

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШ” факультети**

**“ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ” кафедраси**

# **ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИ**

**МАВЗУ: Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани ҚФЙга қарашли  
Бибиширин маҳалласини режалаштириш**

**БАЖАРДИ:**

**401-ШҚ ва X гуруҳ**

**битирувчиси**

**З.Шомуродова**

**РАҲБАР:**

**М.Б.Бекназаров**

**САМАРҚАНД – 2016**

## Мундарижа

|                                                                                                  |           |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш.....</b>                                                                                | <b>5</b>  |
| <b>I-БОБ.Режалаштирилаётган Бибишириш маҳалласининг табиий шарт-<br/>шароитлари қисми.....</b>   | <b>7</b>  |
| I.1.Турар жой ва жамоат биноларини қуёш нури билан таъминлаш.....                                | 7         |
| I.2.Аҳоли яшаш жойлари таснифи.....                                                              | 9         |
| I.3.Қишлоқ аҳолиси пунктини турар жой уйларининг лойиҳа олди ҳисоби...                           | 12        |
| I.4.Оилалар сонини ҳисоблаш.....                                                                 | 13        |
| I.5.Аҳоли яшайдиган жойлардаги кўча ва майдонлар.....                                            | 13        |
| I.6.Аҳоли яшайдиган ҳудудни лойиҳалаш.....                                                       | 15        |
| I.7.Қишлоқ ҳўжалигидаги уйлар ва уларни жойлаштириш шартлари.....                                | 15        |
| <b>II-БОБ.Бибиширин маҳалласи ҳудудининг меъморий-режавий ечими..</b>                            | <b>17</b> |
| II.1.Турар жой уйларини танлаш ва маиший хизмат кўрсатиш<br>муассасаларини ҳисоблаш.....         | 17        |
| II.2.Маҳалла ҳудудини фаолият доираларига тақсимлаш.....                                         | 17        |
| <b>III-БОБ.Бибиширин маҳалласи ҳудудини тикка режалаштириш.....</b>                              | <b>22</b> |
| III.1.Тикка режалаштириш ва унинг вазифалари.....                                                | 22        |
| III.2.Профиллар усули.....                                                                       | 24        |
| III.3.Лойиҳавий (қизил) горизонтал усули.....                                                    | 26        |
| III.4.Бинолар атрофларини тикка режалаштириш.....                                                | 33        |
| <b>IV-БОБ.Бибиширин маҳалласини кўкаламзорлаштириш ва<br/>муҳандислик тармоқлари ҳисоби.....</b> | <b>38</b> |
| IV.1.Кўкаламзорлаштириш тартиби.....                                                             | 38        |
| IV.2.Қишлоқларни кўкаламзорлаштириш.....                                                         | 40        |
| IV.3.Ўсимликлар ва ҳавонинг ифлосланиши.....                                                     | 41        |
| IV.4.Шовқинга қарши курашишда ўсимликларнинг аҳамияти.....                                       | 42        |
| <b>V-БОБ.Туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар.....</b>                                           | <b>43</b> |
| V.1.Турар жой кўчалари.....                                                                      | 43        |
| V.2.Пиёдалар йўллари.....                                                                        | 46        |

|                                                                                       |           |
|---------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>VI-БОБ Бибиширин маҳалласини муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш қисми.....</b> | <b>52</b> |
| VI.1.Ичимлик суви бўйича ишлар ҳажми.....                                             | 52        |
| VI.2.Электр тармоқлари манбаи ва электр тармоқлари схемаси.....                       | 54        |
| VI.3.Бибиширин маҳалласи ҳудудини ёритиш.....                                         | 57        |
| <b>VII-БОБ. Меҳнатни муҳофаза қилиш.....</b>                                          | <b>60</b> |
| VII.1.Қурилишда меҳнат шароити муаммолари.....                                        | 61        |
| VII.2.Бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштириш ва уларнинг сабабларини ўрганиш.....         | 61        |
| VII.3.Қурилишда меҳнат шароити ва бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш усуллари.....      | 62        |
| <b>Интернет маълумотлари.....</b>                                                     | <b>66</b> |
| <b>Хулоса.....</b>                                                                    | <b>78</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>                                                  | <b>80</b> |

## Кириш

Бибиширин маҳалласи Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида кўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

Президент Ислом Каримовнинг Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги буюк сана – Ҳар йили мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилинмоқда. Унда жойларда, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда «Мустақиллик биз учун - ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ифода этадиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот - ташвиқот ишлари олиб бориш борасидаги кенг қўламли вазифалар белгилаб берилмоқда.

Шу маънода ҳар йили мамлакатимиз мустақиллигини нишонлаш арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаш, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширилган ишлар, эришган натижаларни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилиш имкони очилди. Озодлик боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра яна кенгроқ ёйилмоқда. Ҳуррият берган беқиёс имкониятлар негизида эртанги кунимиз эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

Ватанимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ. Шунинг учун қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш, аграр соҳа ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш айти кундаги долзарб масалалардандир. Президентимиз томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган Давлат дастури қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодийтимизни модернизация қилиш ва замонавийлаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш йўналишида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишларимизни жадаллаштириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтаришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Мустақиллик» ва «ислохот» тушунчаларига муштарак сўзлар сифатида қарашимиз табиий, албатта. Чунки фақат мустақил давлат ва мустақил жамиятдагина ислохотларни амалга ошириш мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқичлик тамойилига асосланганини, ушбу тараққиёт йўли нечоғли тўғри ва ҳаётий эканини хорижий эксперт ва мутахассислар, сиёсатчилар ҳам эътироф этмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Тараққиётнинг ўзбек модели» ва машҳур беш тамойил асосида амалга оширилаётган ишларнинг намоёнидир.

Меннинг Бибиширин маҳалласини режалаштириш бўйича диплом ишимда мамлакатимизда мустақил тараққиёт даврида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳада қўлга киритилган салмоқли ютуқлар, амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, уларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилади.

# **РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН БИБИШИРИН МАҲАЛЛАСИНИНГ ТАБИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ҚИСМИ**

## ***1.1. Турар жой ва жамоат биноларини қўиш нури билан таъминлаш.***

Бибиширин маҳалласи учун танланган ҳудуд рельефи тинч, шимолдан жанубга томон катта бўлмаган нишабликда ётади. Қурилишга ажратилган жой замини яроқли. Ер ости суви 50-60 метр чуқурликда жойлашган, тупроғи шўрхок эмас.

Турар жой лойиҳаланаётган ҳудудга қурилиш нуктаи назаридан караганимизда бу ҳудудга қурилишига яроқсиз ерлар ва жарликлар йўқ.

Тайлоқ туманида жойлашган. Ушбу маҳалла лойиҳалангунга қадар қишлоқ аҳолиси кичик-кичик шароити оғир қишлоқларда яшаб келмоқда.

Бибиширин маҳалласи турар жой ҳудуди электр энергиясини электр станциясидан олади. Бу станция билан хўжалик эҳтиёжлари қондирилади. Асосий ичимлик суви манбалари Артезиан қудуқларидир. Улар қишлоқнинг шарқий қисмида жойлашган. Қишлоқ лойиҳаланган ҳудудда қуйидаги маҳаллий қурилиш материаллари мавжуд. Шу ернинг ўзидаги тупроқ қурилишга ишлатишга яроқли. Қурилаётган бинолар асосан бир қаватли икки, уч, тўрт хонали уйлардан иборатдир.

Яшаш фондининг ҳисобий ва қурилиши лозим бўлган уйларни турлари бўйича бўлиниши кўрсатилган. маҳаллага кириш жойи қишлоқнинг ғарбий томонидан лойиҳаланган.

Бибиширин маҳалласи марказида маҳалла боғи жойлашган. Уни лойиҳалашда кичик меъморий кўринишлар: сухбат қуриш жойлари, айвонлар, дам олиш майдонлари қўлланилган. Паркнинг ҳудудида кичик спорт иншооти лойиҳаланган. Бу иншоотлардан ташқари парк ҳудудида аввалдан мавжуд бинолар (жамоа хўжалик биноси, мактаб интернат ётоқхонаси) жойлашган. Паркнинг умумий ҳудуди қуйидаги доираларга бўлинади. Оммавий тадбирлар ўтказиш доираси, спорт мусобақалари ўтказиш доираси, тинч дам олиш доираси кабилар фаолият юритади.

Бибиширин маҳалласи уйларини ва маданий маиший биноларни режалаштиришда аҳолига яхши шароит яратиш учун жой хоналарини таъминлаш керак ва қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

Турар жой уйлари ва жамоат бинолари қуёш нури билан яхши таъминланган бўлиши керак ва юзанинг ўрта қисмларида уйлари ва бинолари узунлик ўқи бўйлаб шимолий жануб йўналишида жойлаштирилса, бу энг қулай жойлаштирилган уй ва бино ҳисобланади.

Гемотермик, яъни шамол йўналишини ҳисобга олсак шамол ўқи йўналишида, яъни шимолдан соат кўрсатгичининг айланиши йўналиши бўйича 18-22 га ўзгартирсак жойлашган уй хоналарининг деразаси жанубий шарққа ва шимолий ғарбга қараб турса бир йиллик совуқ шамол эсиш кўрсаткичлари билан яхши таъминланган бўлади.

Бир-бири билан ёнма-ён ва қарама-қарши жойлашган уйлар қуёш нурига қараб жойлаштирилгани билан биринчи қаватдаги хоналарга қуёш нури тушмаслиги мумкин.

Бир-бири билан қарама-қарши жойлашган уйлар ораси қуйидагига бўлиши шарт.

-Турар жой уйлари жойлашишини танлашда шамол йўналишини ва шамол тезлиги шу ҳудудда катта роль ўйнайди.

-Қишлоқ кўчаларининг йўналишини шамол эсиш йўналиши бўйича режалаштирилса, қишлоқ ҳудудига яхши шамол эсиши таъминланади. Қишлоқ аҳолисига яхши хизмат кўрсатиш учун 1-2 минг аҳоли яшайдиган уйларни жамлаб, турар жой гуруҳларини, яъни маҳаллаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир ва бу ҳар куни биринчи навбатда керак бўлган маданий маиший хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлари билан таъминланса жуда яхши бўлади.

Бибиширин маҳалласи ҳудудидаги турар жойда жойлашган бинолар кўча, йўлак, қўра ва хўжалик саройлари атрофидаги яшилзорларни, қатор экилган дарахтларни, кустарниклардан ташқари қишлоқ ҳудудидаги

ўсимликларни бир жойга тўплаб, яъни қишлоқ боғини ва у ерда спорт ва ёшларнинг ҳар хил ўйин учун майдон ташкил этиш керак.

Турар жой ҳудудида машина ва пиёдаларнинг ҳаракатини ташкил этиш ҳам юқори ўринлардан бирини эгаллайди ва қишлоқларда қуйидагича машиналар ҳаракати учрайди.

1. Йўловчилар машинаси (шахсий)
2. Юк ташувчи машиналар (озик-овқат уй-рўзғор буюмларини ва мебелларни олиб келувчи, олиб кетувчи ва ҳоказо)
3. Махсус машиналар (тез ёрдам, ўт ўчириш ва чиқиндиларни олиб кетиш учун мўлжалланган машиналар).

Машиналар ҳаракатининг сони қишлоқ ҳудудига ва аҳоли зичлигига боғлиқ бўлиб қишлоқда ҳаракат қилувчи машиналар сонидан кўра бу қишлоқда тўхтаб турувчи машиналар сони кўп бўлади. Улар енгил, юк ташувчи ва махсус машиналардир.

Турар жой ҳудудига машиналар ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини ишлаганда қуйидагиларни инобатга олиш керак.

1. Турар жой уйларига кириш йўлакчаларининг жойлашишини;
2. Қишлоқ ҳудудига кириш кўчасини жойлашишини;
3. Қишлоқ ҳудудидан йўлакчаларни жойлашишини;
4. Мактаб ва болалар боғчасига келишини ташкил этиш;
5. Магазинларга хизмат қилувчи машиналар тўхташ майдончаларининг жойлашишини;
6. Чиқинди ахлатлар йиғиладиган жойни ва уларга келадиган йўлакчаларни жойлашишини инобатга олиш керак.

### ***1.2. Аҳоли яшаш жойларининг таснифи.***

Бибиширин маҳалласи ҳудудида яшаётган аҳоли сони қишлоқ ва қишлоқ аҳолисига бўлинади.

Республикаимиз мустақил бўлгандан кейин, аграр давлатдан саноати ривожланган давлатлар сафига қўшилиб, шаҳар аҳолисига нисбатан қишлоқ



аҳолиси ўсиб бормоқда. Биз мисол тариқасида, қуйидаги жадвалда аҳоли сонининг ўзгаришини кўрамиз.

| Йил  | Аҳоли сони | Минг киши | Жами аҳолига | Нисбатан % |
|------|------------|-----------|--------------|------------|
|      | Қишлоқ     | қишлоқ    | Қишлоқ       | қишлоқ     |
| 2007 | 2729       | 5390      | 33,61        | 66,39      |
| 2008 | 4322       | 7477      | 36,63        | 63,37      |
| 2009 | 6348       | 9043      | 41,24        | 58,76      |
| 2010 | 8106       | 11800     | 49,72        | 59,28      |

Бибиширин маҳалласида ва қишлоқларда яшаётган аҳолининг яшаш шароитларини тўлиғича яхшиланмаса, яхши ободонлаштирилмаган уй, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш биноларни қурмасак, ишлаб чиқариш ташкилотларининг жойларга тўғри режалаштириш миҳалла аҳолисининг ўсиши ва қишлоқ ҳудудининг каттариши сақланиб қолиши мумкин.

Бу ҳамма қилаётган ишларимиз қишлоқ ёшларини шу қишлоқларда яшаб қолишини ва қишлоқ аҳолисининг ўсиши ва қишлоқга кўчиб келиш фоизини камайтиради.

Бибиширин маҳалласи турар жой ҳудудини режалаштирганда тарихий маданиятини халқ хўжалигининг қайси соҳаси бўйича шуғулланиши ва жамоа марказининг қаерда жойлашишини инобатга олган ҳолларда режалаштириш керак. Аҳоли турар жой ҳудуди халқ ҳудуди соҳаси бўйича қишлоқ, қишлоқ типигаги қишлоқ ва қишлоқларга бўлинади.

1.Қишлоқ деб, асосан аҳолиси саноат корхоналари маиший хизмат кўрсатиш бошқарув маданий ва илм фан соҳаларида шуғулланувчи турар жой ҳудудига айтилади;

2.Қишлоқ ва қишлоқ оралиғида жойлашган турар жой ҳудуди қишлоқ типигаги қишлоқ дейилади ва улар қуйидагиларга бўлинади.

а)Ишчилар қишлоғи бу қишлоқлар катта заводлар, фабрикалар, шахталар, табиий ер ости қазилма бойликлари, электростанциялар, темир йўл

станциялари, катта қурилиш ва бошқа иқтисодий жиҳатдан жуда керакли бўлган иншоотлар жойларда, аҳоли уч мингдан ўн икки минггача бўлган турар жой ҳудудига айтилади;

б) Дала ҳовлилари, қишлоқлар қишлоқ ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлиб, вазифаси Қишлоқ аҳолисининг дам олиши, озиқ овқат маҳсулотлари билан маълум фоиз таъминлаш учун мўлжалланган, қишлоқ хўжалик ишлари билан аҳолисининг 25%дан ками шуғулланган бўлиши керак;

в) Дам олиш, санатория қишлоқлари бундай қишлоқлар табиий шароити инсон соғлигини соғломлаштирувчи жойларга аҳолиси 2 минг кишидан ортиқ бўлмаган ва аҳолисининг 50% вақтинча келиб даволанувчи аҳоли бўлган жойларга айтилади.

*Бибиширин маҳалласи аҳолиси пункти уч турга бўлинади:*

а) қишлоқ хўжалик аҳоли пункти бундай жойга қишлоқ хўжалик ташкилотларини, бирлашмалар маркази ва уларнинг хўжаликлараро бўлимлари жойлашган қишлоқлар киради.

б) қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган қишлоқ аҳоли пункти бундай жойга алоҳида саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, ўрмон хўжалиги ва транспортларга хизмат қилувчи қишлоқлар киради.

в) аралаш шаклдаги қишлоқ аҳоли пункти бундай жойга район маркази ва жамоа хўжалиги еридан фойдаланмайдиган аҳоли пунктлари киради. Бу қишлоқ аҳолисининг асосий қисми ҳудуддан ташқарида жойлашган, саноат корхоналарида, транспорт соҳасида ва бошқа ишлаб чиқариш ташкилотларида ишлайди.

Бибиширин маҳалласи аҳоли ҳудудлари ҚМваҚ 2.07.01.97 да кўрсатилганидек, қуйидаги қишлоқ аҳоли пунктларига бўлинади:

1. Улкан аҳоли пункти аҳолиси 5 мингдан кўп бўлса;
2. Катта;
3. Ўртача;
4. Кичик;

Барча турар жой пункти аҳолиси 3та гуруҳга бўлинади: яъни, қурилишда, қишлоқ хўжалигини ташкил этувчи аҳоли, хизмат қилувчи ва ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган аҳолиларга бўлинади.

а)қишлоқни ташкил қилувчи аҳоли гуруҳига қишлоқ хўжалик қурилишида, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда, қишлоқ хўжалик ишларсоҳасида ишлаётган ишчилар киради;

б)хизмат қилувчи аҳоли гуруҳига шу қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган жамоа бинолари, ташкилотлар ва корхоналарда ишлаётган ишчилар киради;

в)ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган аҳолилар гуруҳига боғча, мактаб ёшидаги болалар, нафақа ёшидаги уй иши билан шуғулланувчилар, коллеж, лицей, институт талабалари киради.

### ***1.3.Қишлоқ аҳолиси пунктини турар жой уйларининг лойиҳа олди ҳисоби.***

Бибиширин маҳалласи аҳоли турар жой лойиҳасини ишлашдан олдин келажакдаги қишлоқ аҳоли сони, демографик таркиби, сони, яшаш хоналар ҳажми, саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисоб қилиниши керак бўлади.

Аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва нафақага чиққан ишлаш истагини билдирган қисмини ҳисобга олган ҳолда аҳоли сонини аниқлаш мумкин. Қишлоқ аҳолиси турар жой ҳудуди лойиҳаси ҳисоби 2 вақтга қараб ҳисобланади ва лойиҳаланади: яъни, келажакдаги аҳоли пунктининг ривожланиши 20 йил ва биринчи даврдаги қурилиш вақти 5 йил.

Аҳоли сонини аниқлашнинг икки усули мавжуд:

1. Бажариладиган иш ҳажмига қараб аниқлаш;
2. Статистик маълумотлар асосида аниқлаш.

Бибиширин маҳалласи аҳолиси сонини иш ҳажмига нисбатан ҳисоблаш. Қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқаришда қатнашмаётган аҳолилар сонига қараб ва район режасига қараб қуйидаги формула билан аниқланади:

$$N = \frac{A * 100}{100 - (B + V)} = \frac{169 * 100}{100 - (22 + 52)} = 242 \text{ киши}$$

#### ***1.4.Оилалар сонини ҳисоблаш.***

Бибиширин маҳалласи яшайдиган жойларнинг лойиҳасини тузишда демографик статистика маълумотларидан аҳолининг табиий ва кўчиб келиши ҳамда кўчиб бориши натижасида ўсиши, ёшлари, оилалар сонини аниқлашда фойдаланилади. Аҳолининг ёши, таркиби, жамоа корхоналарини (болалар боғчаси, мактаб) жойлаштириш ва қуришда оилалар таркиби эса қуриладиган уйлар сони ва уларнинг хоналарини аниқлашда ишлатилади.

$$X=N/Ч=169/5,7=28 \text{ оила}$$

бу ерда: X-оилалар сони, Н-келажакдаги аҳоли сони, Ч-бир оиланинг ўртача таркиби

#### ***1.5.Аҳоли яшайдиган жойлардаги кўчалар ва майдонлар.***

Бибиширин маҳалласидаги кўчалар транспорт ва пиёдаларнинг қатновини таъминлаш, муҳандислик иншоотлари (тармоқлари) ва яшил дарахтлар жойлаштириш учун хизмат қилади. Аҳоли яшайдиган жойлардаги кўчалар ва йўллар, ташқи майдонлар, автомобил йўллари билан қулай алоқани таъминловчи қатнов тизими ҳисобланади. Катта қишлоқлар, қишлоқлар лойиҳасида кўчалар маълум бир ички қатнов тизимини ташкил қилади.

Кўчаларнинг тўғри геометрик тизими, бир чизик бўйлаб тўғри бурчак нур, айлана нур ва диагональ шаклларда жойлашади. Бир чизик, лента бўйлаб жойлашадиган кўчалар тизими аҳоли пункти йўли, канал ёки ариқ бўйлаб жойлашганда учрайди. Кўчаларни бундай жойлаштиришнинг салбий томони шундан иборатки, аҳоли пункти майдони чўзилиб кетади. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тарқоқ ҳолда ва ҳовлидан узоқда жойлашади.

*Бибиширин маҳалласи аҳоли пунктида автомобил транспорт ҳаракати ва унинг жойлашиши-ҳамма* автомобил йўллари умумий фойдаланиш ва корхона, ташкилотларга қарашли йўлларга бўлинади. Умумий фойдаланиш йўллари Республика йўл қурилиши бошқармаси ҳисобида бўлади ва Республика, вилоят, туман, маҳаллий ҳокимиятга эга кўча ва йўлларга бўлинади.

Бибиширин маҳалласи ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга қарашли йўллар корхона ва ташкилотлар ҳисобида бўлади ва технологик, хўжалик ичидаги қўшимча хизмат қилувчи кўчаларга бўлинади.

Умумий фойдаланиш ва корхона, ташкилотларга йўллар схемаси I, II, III, IV жамоа хўжаликлари ҳудудига:

1. Вилоят миқёсидаги йўл;
2. Туман миқёсидаги йўл;
3. Қишлоқга борадиган йўл;
4. Жамоа хўжаликларини, ташкилотларни боғловчи йўллар;
5. Жамоа хўжалиги ичидаги йўллар.

Бибиширин маҳалласи умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари ҳисоб вақтида шиддат билан автомобилларнинг ўтишини ҳисобга олган ҳолда техник таснифи бўйича беш турга бўлинади. Аҳоли яшайдиган ҳудуддаги транспорт алоқаси тармоғи ўзларининг хизмати жиҳатидан қуйидагиларга бўлинади:

- Қишлоқга борадиган йўл;
- Қишлоқ кўчалари;
- Тор кўчалар;
- Пиёдалар кўчаси;

*Бибиширин маҳалласи кўчалари 5 турга бўлинади:*

- Йўлдан қишлоқга кирадиган кўча асосий кўча ҳисобланади ва тўғри кўча кенг, эни 25-30м, ўртасида гуллар, четига дарахтлар экилган бўлиб, бурилишлари бўлмаслиги керак;
- Асосий кўчалари эни 25-30м;

- Аҳоли яшайдиган жойдаги кўчалар, эни 12-25м;
- Аҳоли яшайдиган ҳудуд билан ишлаб чиқариш ҳудудини бўлиб турадиган кўчалар, эни 12-20м;
- Хўжалик ҳовлиларига хизмат қиладиган ва уларни ташқи йўллар билан боғловчи тор кўчалар, эни 8-12м;

Асосий кўчалар, ҳамма квартал кўчаларидан чиққан аҳолини марказий майдонга келишини таъминлайди. Кўчалар кварталлар билан чегараланиб, уларни ташкил қилади.

### ***1.6.Аҳоли яшайдиган ҳудудни лойиҳалаш.***

Бибиширин маҳалласи аҳолиси яшайдиган ҳудудни режалаштирганда, қишлоқ табиий ва иқтисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари ва корхоналарнинг мавжудлиги эътиборга олинади. Аҳоли яшайдиган ҳудуд автомобил алоқаси билан яхши таъминланган бўлиши керак.

Аҳоли яшайдиган ҳудуд маданий, маиший бино ва ташкилотлар ҳамда кўча майдонлар ҳудудини ўз ичига олади. Аҳоли турар жой ҳудудидан ҳар қандай тарифдаги автомобил йўллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб ўтувчи йўллар ва жамоа эмас, аҳоли ҳовлисига ҳар хил минерал ўғитлар олиб келиш, юк машиналари (тракторлар) ва қора молларни олиб кетиш учун алоҳида йўллар режалаштирилиши керак.

Турар жой уйлари учун ажратилган жойга об-ҳаво шароитига, вужудга келган маиший хизмат турига, ишлаб чиқариш фаолиятига қараб ҳар хил турдаги уйлар қурилади.

### ***1.7.Турар-жой ҳудудидагиги уйлар ва уларни жойлаштириш шартлари.***

Бибиширин маҳалласида ҳам ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги қурилишидаги каби уч хил аҳоли уйлари қурилади: бир оилага мўлжалланган томорқали, икки оилага мўлжалланган томорқали, икки оилага мўлжалланган бирлаштириб қуриладиган уйлар ва томорқасиз секцияли уйлар.

Бибиширин маҳалласи томорқа участкаларида қуриладиган уйлар шахсий уйлар бўлиб, бир икки қаватли ва бир ёки икки оилага мўлжалланган

бўлиб, икки, уч, тўрт хонали ва ҳоказо уйлар киради. Бу уйларнинг асосий қурилиши кўчага қаратиб ва ундан 5м ичкарига жойлаштирилади. Кўча билан уй орасидаги майдонга гулзорлар, мевали ёки манзарали дарахтлар экиш тавсия этилади. Ҳовли ичкарисига хўжалик иморатлари қурилади. Уй ичидаги хоналарни қуёш нури билан ёритилиши ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Бир квартира билан иккинчи квартира оралиғи ойнасиз девор билан чегараланади. Ҳар бир оила мустақил шахсий аҳоли эга бўлиб, томорқа участкаларида ўз фаолиятини юритилишга шароит яратилади. Бундай уйларнинг ҳажми катта, кўриниши чиройли ва муҳандислик тармоқларидан фойдаланиш 2; 3 марта арзонга тушади.

# **БИБИШИРИН МАҲАЛЛАСИ ХУДУДИНИНГ МЕЪМОРИЙ-РЕЖАВИЙ ЕЧИМ ҚИСМИ**

## ***2.1. Турар жой уйларини танлаш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасасини ҳисоблаш***

Бибиширин маҳалласи қишлоқ аҳолисини турар жой билан таъминлаш учун керакли бўлган уйларни танлаб қишлоқ ҳудудига жойлаштириш керак. Турар жой уйларининг лойиҳа турларини, қабул қилинган лойиҳа “каталогидан” танлаб олинади. Бундан ташқари лойиҳачи келажакда қурилиши мумкин бўлган ҳали тасдиқланмаган турар жой уйларининг лойиҳасини танлаб олиши мумкин, аммо шу қабул қилинган уй лойиҳасини қайси ойномадан ёки адабиётдан олган бўлса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатига шу ойнома ёки адабиётни ҳам киритиш керак.

Бибиширин маҳалласи турар жой уйларини танлашда бир хил туркумдаги уйларни танлаш тавсия этилади. Қишлоқ уйлари иложи борича бир туркумдаги 2 3 хил уйлардан қурилиши керак.

Турар жой уйларининг кўринишини танлашда қурилиш тумани иқлимини ва таклиф қилинган қуёш йўналишини ҳисобга олиш керак. Тўғри танланган уйнинг тури, турар жой хоналарининг кўпини қуёш нури билан таъминлайди.

Бибиширин маҳалласи лойиҳасини режалашда қўлланиладиган маданий маиший биноларга қуйидагилар киради: 200 ўринли клуб, болалар боғчаси, ёзги кинотеатр, 1та магазин, қишлоқ кенгаши биноси, 50 ўринли ошхона ва бошқалар.

## ***2.2. Маҳалла ҳудуди фаолият доираларига тақсимлаш.***

Бибиширин маҳалласи ҳудудини фаолият доирасига тақсимлашнинг мақсади қишлоқ ҳудудини жуда яхши турда фойдаланиш учун уйларни, мактабгача бўлган болалар биносини, мактабни, қишлоқ марказини ва бошқа биноларни тўғри хизмат қилиш радиусига қараб жойлаштиради.

Шунинг учун зоналарга тақсимлашнинг бир нечта турлари чизилади. Бу чизилган чизмаларни бир бири билан таққослаб, яъни микрорайонда



жойлашган боғча, мактаб, қишлоқ жамоа марказининг хизмат қилиш радиуси, қишлоқнинг ихчамлиги ва бошқа кўрсаткичлари ҳам эътиборга олингандан кейин энг яхши тури аниқланади ва шу тур қишлоқни режалаштиришнинг ўзаги бўлиб қолади.

Бибиширин маҳалласини функционал зоналарга тақсимлаш чизмаси қишлоқ бош режасига нисбатан кичик масштабда бажарилади. Агарда қишлоқ 1:1000 масштабда лойиҳаланса, унда функционал зоналарга тақсимлаш чизмаси 1:2000 ёки 1:5000 масштабда бажарилади.

Бу масштаб ажратилган жойнинг чегарасини, ўлчамларини ва хизмат қилиш радиусини ҳамда зоналарнинг бир бирига боғлиқлигини кўрсатиш талабига тўлиқ жавоб беради. Бундан ташқари шуни эътиборга олиш керакки, қишлоқ ҳудудида маъмурий бинолар, меҳмонхоналар ва бошқа фаолият доираларни ташкил қила олмайдиган бинолар жойлашиши ҳам мумкин.

Турар жой зонаси чегаралари қизил чизиқлар билан чегараланган бўлиб бу қишлоқни қўшни қишлоқдан, Қишлоқ марказидан ва бошқа жойлардан ажратиб туради. Қизил чизиқ билан қурилиш чизиғи оралиғи, магистрал йўлининг ён томони кўкаламзорлаштирилади, чунки бу машиналардан чиққан газларнинг ва шовқинни камайтириш учун мўлжалланади.

Бибиширин маҳалласининг жамоа маркази асосан қишлоқнинг ичида жойлашган бўлиб, қишлоқ аҳолисига яхши хизмат қилиш радиуси билан таъминланган бўлиши керак.

Жамоа савдо марказини жойлаштирганда, бирорта катта магистрал кўча томонидаги кўкаламзорлаштирилган жойни бузиб у ерда жамоа савдо маркази биноси олдидан унча катта бўлмаган майдон ташкил этилади.

Коммунал хўжалик ташкилотлари қўра, буғ қозони қишлоқ зоналаридан асосан мактаб ва болалар боғчасидан ажратиб қўйилиши керак.

Ер ости ва ер устидаги қўраларни 25 50 машина гуруҳига жамлаб турар жой зонасидан ташқари алоҳида ажратиб жойлаштирилиши керак. Фаолият

доираларига тақсимлаш чизмасида турар жой доирасига ҳар куни хизмат килувчи ташкилотларни кўрсатиш керак.

*Бибиширин маҳалласи қишлоқ лойиҳасини тузишда қуйидагилар кўзда тутилган:*

а)қишлоқ майдонини қурилиши лозим бўлган объектларга бўлиб чиқиш, яъни ҳовли ва турар жой, дам олиш ва жамоа коммунал доираси, қурилиш ва ёрдамчи қурилиш майдончаларининг ҳақиқий ўлчамларини аниқлаш, навбат асосида қурилиш зарур иншоотлар ва келгусида қишлоқнинг ривожланиши ва кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган;

б)қишлоқ ҳудудидаги ички ва ташқи транспорт йўллари ва асосий кўчалар қурилишини ташкил қилиш ва қишлоқ аҳолисига маъмурий бинолар билан алоқани яхшилаш, қишлоқнинг ички қисмида пиёдалар йўлакчалари ва автомобиллар қайтиш жойлари кўзда тутилган;

в)маъмурий ва ва маданий маиший биноларни қулай жойлаштириш. Бу бинолар лойиҳа асосида бир бирига боғлиқлигига қараб мақсадга мувофиқ ҳолда қишлоқнинг марказига ва марказий кўчалар бўйида жойлаштирилган.

Бибиширин маҳалласи аҳоли турар жой ҳудудини меъморий лойиҳаланганда бир нечта фаолият доираларига тақсимланади.

Кичик қишлоқлар ва қишлоқ туманидаги туман марказлари қуйидаги фаолият доираларига тақсимланади:

Аҳоли яшайдиган ҳудуд, ишлаб чиқариш ҳудуди ва санитар ҳимоя ҳудуди

Аҳоли турар жой ҳудудини шунчаки оддий фаолият доираларига тақсимлаш Қишлоқсозликнинг асосий ғояси эмас, балки ишлаб чиқариш билан аҳоли яшаш жойларини бир бири билан бир жойга, ишлаб чиқариш иншоотларни бир жойга ташлаб аҳолининг яшаши, ишлаши ва дам олиши учун яхши шароит яратиш мақсадида фаолият доираларига тақсимланади.

Бибиширин маҳалласида аҳоли яшайдиган ҳудудда аҳолининг тармоқлари, уйлари ва хўжалик бинолари, маданий маиший, коммунал

корхоналари, кўчалар, майдонлар, боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, спорт иншоотлари ва бошқалар жойлашади.

Бибиширин маҳалласи ишлаб чиқариш ҳудудида, хўжаликдаги машина трактор парки, озиқ овқатлар сақлайдиган, пахта тозалайдиган, ипак қуртини боқадиган ҳовлилар, корамол, қўй, йилқи, паррандалар ва бошқа фермалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ташкил қилади. Улар аҳоли яшайдиган ҳудуддан 1,5 2км узоқликда, сув оқимининг қуйи томонида ва шамол йўналишининг қарама қарши томонидан жойлашади.

Ҳозирги кунда қишлоқ аҳоли пунктлари фаолият доираларини катта кўчага нисбатан жойлаштиришнинг 3 та кўринишдаги схемаси амалиётда мавжуд.

Катта кўчага нисбатан аҳоли яшайдиган ва ишлаб чиқариш ҳудудлари параллел жойлашган бўлиб, ҳар бир фаолият доирасига катта кўчадан алоҳида алоҳида транспортлар кириб чиқади ва ишлаб чиқариш ҳудудига келаётган транспорт аҳоли яшайдиган ҳудуддан ўтмайди;

Маҳалла аҳоли пунктини кенг очик жойда режалаштирилганда катта магистрал йўл атрофида ишлаб чиқариш ҳудуди жойлаштирилса, биринчидан аҳоли пунктининг архитектура кўриниши бузилади, шунинг учун катта магистрал йўлдан ишлаб чиқариш доирасига аҳоли яшайдиган ҳудудни четлаб ўтувчи қўшимча йўл ўтказиб аҳоли яшайдиган ҳудуддан кейин ишлаб чиқариш ҳудуди жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади;

Маҳалла аҳоли пункти магистрал йўлда алоҳида жойлашган бўлиб, лекин ҳар хил сабабларга кўра, яъни ер захираси бўлмасдан ва шамол йўналиши талабига жавоб бермасдан ишлаб чиқариш;

Ҳудуди катта магистрал йўл ёнига жойлашиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш ҳудуди билан магистрал йўл орасида санитар ҳимоя ва меъморий кўринишини яхшилаш тадбирлари олиб борилиши керак;

Маҳалла аҳоли пункти магистрал йўлнинг икки томонида, яъни аҳоли яшайдиган ҳудуд бир томонда ва ишлаб чиқариш ҳудуди иккинчи томонда

жойлашиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда магистрал йўлни кесиб ўтувчи йўллари сонини камайтириш ишлари олиб борилиши керак, яъни кесиб ўтувчи йўللарни икки тавақада ўтказиш керак.

Пасёлкада санитар ҳимоя ҳудуди, аҳоли яшайдиган ҳудудни, ишлаб чиқариш ҳудудидан ва серкатнов йўллари томонидан чиқарган зарарли газлар, ноҳуш ҳидлар, чанг ва шовқиндан ҳимоя қилади ва улар оралиқда жойлашади.

# БИБИШИРИН МАҲАЛЛАСИ ХУДУДИНИ ТИККА РЕЖАЛАШТИРИШ ҚИСМИ

## ***3.1.Тикка режалаштириш ва унинг вазифалари.***

Бибиширин маҳалласини вертикал режалаштиришда ҳудудни қурилиш, режалаш, қуриш ва ободонлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда табиий релъефни қайта шакллантириш, ўзгартириш ва мослаштириш ишларини узида мужассамлаштиради. Вертикал режалаштириш махсус тузиладиган лойиҳалар асосида тупроқни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш билан амалга оширилади.

Ҳудудни муҳандислик тайёрлаш ишлари вазифаси барча талаблардан келиб чиққан ҳолда релъефнинг энг мақбул ечимини топишдан иборатдир.

Вертикал режалаштириш материаллари Қишлоқ ҳудудида кўчалар, бинолар, ер ости коммуникациялари ва бошқа турдаги иншоотларни лойиҳалашда релъеф ҳақида дастлабки маълумот ҳисобланади.

*Вертикал режани лойиҳалаш ва уни амалга оширишда иккита кетма-кет босқични кўрсатиш керак:* биринчиси- ҳудудни муҳандислик тайёрлашга тегишли бўлиб, унда ҳудуд релъефини умумий ҳолда ташкил этиш ва уни қурилишга тайёрлаш масалалари ҳал этилади, иккинчиси – ҳудудни режалаштириш, қуриш ва ободонлаштириш бўлиб, бу босқичда микрорелъеф лойиҳаланиб, бинолар, иншоотлар, кўча ва йўллар ва Қишлоқ ҳудудининг бошқа элементларининг белгилари қуйилади.

*Бибиширин маҳалласида ноқулай шарт-шароитлар ва жараёнларни бартараф этиш билан боғлиқ тадбирларда вертикал режалаштиришнинг роли қуйидаги ҳолатларда ўринлидир, хусусан:*

а) Маҳалла ҳудудини кучли ёмғирлар ёки сув манбалари таъсирида сув босишида ҳамда сув омборлари иншоотларидан Қишлоқ ҳудудини ҳимоя қилиш ҳудудни вертикал режалаштириш вазифасига кирувчи дамбалар қуриш ёки ҳудуд сатҳини кўтариш эвазига амалга оширилади;

б) ҳудудни сизот сувлари таъсирида сув босишидан сақлаш, дренаж тизими ёрдамида ёки майдон сатҳини вертикал режалаштириш ёрдамида амалга оширилади;

в) Маҳалла ҳудудида ботқоқликлар мавжуд ҳолларда уларга қарши курашнинг асосийларидан бири вертикал режалаштириш бўлиб, у ёрдамида туриб қолган сувларнинг оқим йўналиши режалаштирилади ва ташқи сувларни қочириш учун шароит яратилади;

г) чўл ва ярим чўл зоналарда ҳудудни сунъий суғориш мақсадида суғорилаётган майдонларга сув ўз оқими бўйлаб вертикал режалаштириш асосида амалга оширилади;

д) жарлик мавжуд ва жарликлар ривожланаётган ҳудудларда вертикал режалаштириш ёрдамида жарликлар қияликларини ювиб кетувчи ташқи сувларнинг йўналиши ташкил этилади, ҳамда жарликларни тугатиш уларни кўмиш орқали амалга оширилади;

е) кўчкили ҳудудларда кўчкиларни олдини олиш тадбирларига ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш орқали вертикал режалаштириш иштирок этади;

ж) Маҳалла ҳудудида карст жараёнлари мавжуд ҳудудларда карст натижасида вужудга келган воронкаларни ташқи сувлардан сақлаш ва уларни йўқотиш бўйича вертикал режалаштириш ҳудудни текислаш мақсадида қулланилади.

Бибиширин маҳалласини вертикал режалаштириш ва уни амалга ошириш у билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуаси билан биргаликда қулланилганда мақсадга мувофиқдир, булар: ер ости сув қочириш тармоқларини ўрнатиш билан ташқи сувларни қочириш; сизот сувларининг сатҳи баланд бўлган ҳолларда дренаж тармоқларидан фойдаланиш; жарлик ва кўчкили ҳудудларда тиргак деворлар ўрнатиш ва ҳ.к.

Бибиширин маҳалласини вертикал режалаштиришни амалда қуллаш махсус тузилган лойиҳаларга асосланади. Вертикал режалаштиришда лойиҳалашнинг асосий усуллари, қуйидагилардир:

- Лойиҳавий профиллар усули;
- Лойиҳавий (қизил) горизонталлар усули;
- графоаналитик усуллар.

### **3.2. Профиллар усули**

Бибиширин маҳалласини профиллар усулида вертикал режалашда лойиҳалаш усулларида бири бўлиб, бу усулга асосан, лойиҳалашнинг чизма материаллари профиллар сеткаси акс этган ҳудуднинг тарҳи билан профилларнинг ўзларидан иборат бўлади.

Профиллар ҳудуд тарҳида горизонталлар ёки нивелир белгилари билан тузилади.

Вертикал режалашни профиллар усулида лойиҳалаш қуйидаги кетма-кетликда бажарилади: лойиҳаланаётган ҳудуд тарҳи профиллар сеткасига бўлинади; сетканинг иккала йўналиши бўйича профиллар тузилади; профилларни уларнинг кесишган ўзаро боғлиқ жойларида лойиҳалаш; ер ишлари ҳажмини ҳисоблаш (олиш ва тўкиш).


Вертикал режалаштиришда профиллар усули бўйича лойиҳалаш қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади: лойиҳаланаётган ҳудуд тарҳини профиллар сеткасига бўлиш; сетканинг иккала йўналиши бўйича профилларни тузиш; профилларни, уларнинг кесишган, ўзаро боғлиқ жойидан лойиҳалаш; ер ишлари ҳажмини ҳисоблаш (олиш ва тўкиш).

Профиллар сеткаси квадратлар ёки тўғри бурчакли тўртбурчаклар бўйича бўлинади, уларнинг ўлчамлари вертикал режалашни лойиҳалаш босқичларидан, ҳудуднинг ўлчами ва вазифасидан ҳамда табиий рельефнинг кесишганлик даражаларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади

Квадрат томонлари кичик ҳудудлар учун 20—40 ёки 50 м, нисбатан катта, қурилмайдиган ва махсус фойдаланиш учун тайёрланадиган (суғориш ва фильтрация майдонлари, аэродромлар, ипподромлар ва ҳ.к.) ҳудудларни лойиҳалаштиришда - 100-200 м. Қишлоқ

ёки туманнинг вертикал режаси схемасини ишлаб чиқишда профиллар сеткаси кўча ўқи бўйича бўлинади.

Табиий ва лойиҳавий рельеф профилларда сиртнинг кесими, табиий (қора), лойиҳавий (қизил) ва ишчи белгилар (тукма ва олинган жойларнинг чуқурлиги) ва майдонларда лойиҳавий нишабликлар кўринишида ифодаланади.



Профиллар усулида вертикал режалаштиришнинг хусусий ҳоли сифатида Қишлоқ кўча ва йўллари ҳисобланади. Бунда бўйлама профил кўчанинг ўқидан утиб, кундаланг профиллар ҳар бир пикетда бажарилади.

Профиллар усулини амалда қўллаш кўп меҳнат талаб қилиб, узун масофада бир вақтнинг ўзида жуда кўп профиллар лойиҳаланади. Асосий мураккаблик профиллар кесишмаси нуктасида лойиҳавий белгиларни боғлашдир. Қушни профиллар бўйича қияликларнинг туғри келмаслиги, сиртнинг мўлжалланаётган ёки берилган шаклидан ўзоқлашиш, ҳар доим туғрилаш қийин кечадиган ва баъзи ҳолатларда лойиҳани қайтадан бажаришни талаб қилади.

Ер ишларининг ҳажми ва лойиҳанинг мос равишдаги техникисодий кўрсаткичи фақатгина лойиҳа ишлари тугагандан сўнг маълум бўлади. Ер ишларининг қониқарсиз баланси кўпгина ёки барча профиллар белгиларининг ва қияликларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.



Профиллар усулини кулланиш соҳалари бўлиб, қурилиш кўзда тутилмаган катта майдонларни режалаштириш ҳамда рельеф сиртини ҳар бир элементи бўйича батафсил режалаштиришсиз, умумий принципал ечимини ишлаб чиқиш босқичида кулланилади.

Лойиҳавий-режалаштириш амалиётида вертикал режалаштиришни лойиҳалашда сеткалар бўйича профилларсиз бир қанча соддалаштирилган усуллари кулланилади. Бу ҳолда лойиҳавий белгилар ва қияликлар ҳудуднинг режаси бўйича аниқланади. Бундай лойиҳалаш, одатда ер ишлари ҳажмини ҳисобга олмайди. Бу усулда вертикал режалаштириш фақатгина рельефнинг тақрибий ечимини беради. Бу эса Қишлоқ бош режаси бўйича ва Қишлоқ туманини батафсил лойиҳаси бўйича режалаш ва қуришда вертикал режалаш схемаларини лойиҳалашда лойиҳавий-режалаш ишларида аҳамиятлидир.

### ***3.3. Лойиҳавий (қизил) горизонталлар усули.***

Бибиширин маҳалласини Лойиҳавий (қизил) горизонталлар усули лойиҳаланаётган рельефни янги, қизил горизонталлар деб аталувчи чизиқларда акс эттириш.

Лойиҳалаш жараёнида ер сиртига рухсат этилган нишабликлар бериш билан рельефнинг янги шакли яратилади.

Лойиҳаланаётган рельефни қизил горизонталларда акс эттириш ҳудуднинг бўлажак рельефини осон тасаввур қилишга имкон беради.

Лойиҳавий горизонталлар усули- майдон тарҳи билан вертикал режалаш лойиҳасини битта чизмада кўрсатиш имкониятини беради, яъни, кўп сонли профилларни тузиш ва лойиҳалашга ўрин қолмайди.

Бибиширин маҳалласи биноларини, иншоотларини ва бошқа қурилиш элементларини, муҳандислик қурилмалари ва ҳудудни ободонлаштириш ҳолатларини ва вертикал режалаштириш лойиҳаларининг биргаликдаги тарҳи Қишлоқ ҳудудини ўзлаштириш, режалаштириш ва қуриш масалаларини комплекс равишда ечади.

Бибиширин маҳалласида қишлоқсозлик амалиётининг лойиҳавий горизонталлар усули кенг қулланилмоқда, жумладан, Қишлоқ кўчаларини лойиҳалашда, тураржой гуруҳлари ва микрорайон ҳудудларини лойиҳалашда, Қишлоқнинг рельефи мураккаб бўлган жойларида муҳандислик тайёргарлиги ишларида.

Рельефни лойиҳалашдан мақсад, қурилаётган ҳудуд тарҳида ҳудудни ўзлаштириш талабларига жавоб берадиган рельефни яратиш учун унда қизил горизонталлар ўтказишдир.

Бибиширин маҳалласида сатҳи кўтарилган майдонларида ташқи сувни қочириш ва бу майдонларни қуришиш ишлари осон кечади. Кўкаламзорлаштирилган майдонларда ер сатҳини сунъий кўтариш ва бу майдонларни зарурий нишабликлар билан таъминлаш ташқи сувларни қочиришда қул келади.

Сунъий равишда яратилган рельеф микрорайоннинг яшил ҳудудлари ландшафтини режалаштиришга ёрдам беради.

Биноларни жойлаштиришда ва қатнов қисмларини ўтказишда квартал ва микрорайонларни эркин режалаштириш вертикал режалаш ишларини осонлаштиради.

Шундай қилиб, қурилишни эркин режалаштиришда вертикал режалаштириш маълум бир жойлар учун амалга оширилади, яъни бинолар қуриладиган майдонларда, спорт ва бошқа турдаги майдонларда, қатнов қисмлари ва автомобилларга ажратилган майдонларда.

Режалаштирилаётган майдонда ер сиртининг лойиҳавий рельефини яратиш бўйича вертикал лойиҳалашнинг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, улардан энг кўп қулланиладиган тури, бу конвертсимон, яъни сувни тўрт томонга оқизишдир. Бундан ташқари, икки томонлама ва бир томонлама сув қочириш турлари мавжуд.

Одатда, майдони унчалик катта бўлмаган тураржой гуруҳларида ташқи сувларни қочириш очиқ сув қочириш тизими орқали амалга оширилади. Микрорайонларда эса майдоннинг катталигидан келиб чиққан

ҳолда, кучли ёмғир пайтларида ариқларда тирбандлик вужудга келмаслиги учун ер ости сув қочиргич тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ер ости сув қочиргичи нафақат ташқи сувларни қочиришни ташкил этиш тизими учун, балки, замонавий микрорайонларни ободонлаштириш элементи ҳамдир.

Майдонларни режаштиришда нафақат вертикал лойиҳа шартларини, шу билан бирга паст-баландликларнинг ташқи эстетик кўринишига, бундан ташқари, биноларнинг рельефда баландликларига ҳам аҳамият бериш лозим.

Биноларнинг бурчаклари ва кириш қисмлари бўйича баландлик белгиларининг лойиҳаси ички қатнов қисми ариқларининг баландлик белгиларига нисбатан, ташқи сувларнинг бинолардан ариқларга қараб оқишини таъминлаган ҳолда амалга оширилади.

*Бибиширин маҳалласи ҳудудини тикка режаштириш.* Ҳудудни Қишлоқсозлик нуқтаи назаридан баҳолаш, авваломбор, жойнинг табиий жараёнлар таъсирида шаклланган табиий рельеф хусусиятлари ва шаклига боғлиқдир.

Рельефни ўрганиш геоморфология фанининг вазифаси бўлиб, бу фан рельефнинг шаклланиши, вақт ва фазода ривожланиши (генезис)ни ўрганади.

Бибиширин маҳалласини лойиҳалашда қишлоқсозлик тажрибасида табиий ва ўзлаштирилган рельефнинг 2 хил тури қабул қилинган: макрорельеф, катта ҳудудлардаги сезиларли даражадаги паст-баландликларга эга бўлган сиртлар; микрорельеф- маълум бир ҳудуддаги, жуда сезиларли бўлмаган нишабликларга эга бўлган сиртлар.

Табиий рельеф ерни литосфера деб аталувчи қаттиқ қобиғи сиртининг турли кўринишдаги оддий ва мураккаб элементар шаклларидан иборатдир. Рельефнинг бундай шаклларига водийлар, қир ва адирликлар, жарликлар, чуқурликлар, тепаликлар ва ҳ.к.лар мисол бўлади.

Рельефнинг асосий шакллари текисликлар ва тоғликлардан иборат. Ўз навбатида текисликлар Қишлоқсозлик амалиётида қуйидаги категорияларга бўлинади:

Нишаблиги 0-0,4% жуда текис бўлган рельеф;

Нишаблиги 0,4-3% чегарасидаги текис бўлган рельеф;

Нишаблиги 3-6% чегарасидаги сезиларсиз қияликдаги рельеф;

Нишаблиги 6-10% чегарасидаги сезиларли қияликдаги рельеф;

Нишаблиги 10-20% чегарасида бўлган қиялик;

Нишаблиги 20% катта бўлган қиялик.


Бибиширин маҳалласида баландликлардаги тоғларнинг мавжудлиги билан характерланади.

Жойнинг рельефи эса топографик хариталарда текисликни горизонтал текислик билан кесганда ҳосил бўлган проекциясини акс эттирувчи режадаги горизонталлар билан кўрсатилади. Ҳар бир горизонтал қабул қилинган сатҳ (одатда, денгиз сатҳи)га нисбатан маълум бир баландликни билдиради.

Ўзаро зич жойлашган горизонталлар қияликни, аксинча эса текисликни кўрсатади.

Горизонталларни акс эттирувчи режа Қишлоқсозликда режалаш ва куриш лойиҳаси учун ҳамда кўпгина бошқа турдаги муҳандислик масалаларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади.

Белгилар. Режа горизонталлари оралиқларидаги белгиларнинг ҳақиқий аниқлиги, қидиралётган нуқтанинг иккала горизонталга туғри чизиқли перпендикуляр ўтказиб, интерполяциялаш натижасида аниқланади.



2.1 - расм. Белгиларни интерполяциялаш

1:1000 ва 1:2000 миқёсдаги режалар учун белгиларнинг ҳақиқий аниқлиги қуйидаги қийматларда аниқланади:

|                                 |   |          |        |
|---------------------------------|---|----------|--------|
| Горизонталлар оралиғи ҳар 0,2 м |   |          | 2-3 см |
| «                               | « | « 0,25 м | 3 см   |
| «                               | « | « 0,5 м  | 6-7 см |
| «                               | « | « 1,0 м  | 15 см  |


Бибиширин маҳалласини лойиҳа-режа ишларини бажаришда, баъзида қушимча рельеф чизиқлари ўтказиш билан рельефни янада майдалаштириш талаб этилади (2.2-расм). Рельефни янада аниқлигини оширишга, унинг орасидан сунъий равишда қушимча рельефлар ўтказиш билан эришиб бўлмайди. Бундай ҳолатда албатта жой учун қушимча нивелирлаш ишлари ёки бошқа маълумотлар зарур бўлади. Баъзи ҳолларда, худудни дастлабки тайёрлаш босқичида режада рельеф йириклаштирилади. Бунда, масалан, 0,5м ўтказилган горизонталлар орасидан биттадан горизонтал олиб ташланади. Бундай режа фақатгина жойнинг фақатгина характерли шакллари ҳақида тасаввур беради.

жадвал

| Рельефнинг ҳолати<br>(шарҳи)  | Рельефнинг кесишуви |           | Баландлиги, м |         |
|-------------------------------|---------------------|-----------|---------------|---------|
|                               | М 1:500             | М 1:2000  | М 1:1000      | М 1:500 |
| Текис рельеф нишаблиги<br>2 % | 0,5:1               | 0,5:1     | 0,5           | 0,5     |
| 4 % гача                      | 1:2                 | 0,5 : 1-2 | 0,5           | 0,5     |
| 6 % гача                      | 2:5                 | 1 : 2     | 0,5:1         | 0,5     |
| 10 % ва ундан юқори           | 2:5                 | 2         | 1             | 1       |

Жойнинг яхлитлигини таъминловчи минимал ўлчовлар

| Жойнинг номи      | Ернинг минимал ўлчовлари, м |     |                                      |                    |
|-------------------|-----------------------------|-----|--------------------------------------|--------------------|
|                   | Узунлиги                    | Эни | Баландлиги зинапоя<br>(супа) шаклида | Чуқурлиги<br>текис |
| Микрорайон-дахаси | 100                         | 50  | 10                                   | 15                 |
| Яшаш – тумани     | 400                         | 100 | 20                                   | 40                 |
| Туман – режаси    | 1000                        | 300 | 30                                   | 60                 |




Шартли белгилар:

0-1' 0-2 0-3

Профиллар (қизил профил) усули асосида тикка режалаштириш лойиҳаси.

1- хусусиятли нукталар; 2 – грунт суриладиган майдон; 3 – шундай тўкиладиган жой; 4 – мавжуд рельеф чизиғи; 5 – шундай лойиҳа чизиғи; х – ишчи белги; у – шундай лойиҳа белгиси; z – шундай табиий рельеф белгиси.



Қизил горизонталлар усули бўйича тикка лойиҳалаш.

а – майдон бўйлаб; б – кўча бўйлаб; 1 – мавжуд горизонталлар; 2 – лойиҳаланаётган горизонталлар; 3 – тиргак девор; 4 - табиий сатҳ; 5 – лойиҳа сатҳи.

Бибиширин маҳалласини лойиҳа горизонтал усули-бўйича тикка режалашни олиб бориш маҳалла ҳудудлари, кўкаламзор майдонлар ва транспорт йўлларини лойиҳалашда қўл келади. Бу усулнинг қулайлиги шундан иборатки, унда шаклланадиган рельеф белгисини лойиҳа ёки қизил горизонталлар орқали белгилаш имкони бор. “+” белгиси билан тўкилма тупроқлар белгиси аниқланади(2.8 расм). Қирқиладиган ёки қовланадиган тупроқ белгиси “-” белгиси билан белгиланади.

Бибиширин маҳалласида кўчанинг қисмларида лойиҳа горизонталлари доимий лойиҳа қиялиги  $i$  кетма - кетликда белгиланади(2.8 –расм, б). Дастлаб  $l_1$  қиймати қабул қилинган лойиҳа қиялиги  $i$  бўйича аниқланади. Бунинг учун қуйидаги муносабатдан фойдаланамиз.

$$l_1 = \Delta h / i, \quad (2.1)$$

Бу ерда  $\Delta h$  – лойиҳаланаётган рельефнинг кесим юзаси ўлчами, м.

Олинган  $l_1$  нинг қиймати кўча ўқининг А нуктаси белгиси бўйича сурилиб қўйилади. Шунда  $x_1$  нуктаси кўча ўқи бўйича ўзининг ҳақиқий ҳолатига эга бўлади. Шундан сўнг кўчанинг лоток белгисини аниқлайдиган горизонтал ҳолати аниқланлади. Кўчанинг кўндаланг кесими бўйича қиялигини ва йўлнинг энини инобатга олиб, қуйидаги муносабат аниқланади

$$\ell_2 = i_1 d_1 / 2, \quad (2.2)$$

Бу ерда  $d_1$  - кўча қатнов қисмининг эни, м;  $i_1$  - кўндаланг қиялик.

лоток чизиғи бўйлаб белгиланадан горизонталнинг  $x_2$  белгиси  $\ell_2$  қиймати бўйича сурилади.

Пиёдалар қатнов қисмидаги горизонтал эса олдиндан аниқланган  $x_3$  қиймати бўйича белгиланади. Шунда уни бўлама қиялик бўйича суриб,  $\ell_3$  ҳисобланилади

$$\ell_3 = h / i, \quad (2.3)$$

Бу ерда  $h$  – бордюр тошининг баландлиги, м;  $i$  – йўлнинг бўйлама қиялиги.

$\ell_4$  ни аниқлаш билан пиёдалар қатнов қисмининг юқори чегарасини  $x_4$  нуқта белгилайди

$$\ell_4 = d_2 i_2 / i, \quad (2.4)$$

Бу ерда  $d_2$  – пиёдалар қатнов қисмининг эни, м;  $i_2$  - пиёдалар қатнов қисмининг кўндаланг қиялиги.

Ушбу бажарилган ишлардан кўриниб турибдики, тикка режалаштиришнинг мазкур усулини амалга оширишда турли жадвал, шакллар ва номограммалардан фойдаланиш талаб қилинганлиги сабабли мураккаб усул ҳисобланилади.

### ***3.5.Бинолар атрофларини тикка режалаштириш***

Бибиширин маҳалласи биноларини лойиҳалашда уларнинг пойдевор бурчакларидаги лойиҳа белгисининг баландлиги фарқини камайтириш талаб этилади. Табiiй рельеф нишаблиги кўпчилик ҳолларда бинонинг меъморий, ҳажмий, куёш тушиши, жойни шамоллатиш ёки шамолдан ҳимоя қилиш каби талабларини қаноатлантира олмайди. Шунинг учун ҳам турдош биноларни узун томони билан нишаблик бўйлаб жойлаштириш 2 хил усул билан амалга оширилади. Биринчи ҳолда табiiй рельеф ўзгартирилмайди, бинонинг бурчакларидаги фарқ баландлиги ўзгарувчан “цокол” ҳисобидан амалга оширилади. Бунда тупроқ ишларининг ҳажми минимал бўлади. Аммо турдош бинонинг пойдеворини қайтадан ҳисоблашга тўғри келади, бу эса



курилишнинг 2-8 % қимматлашишига сабабчи бўлади. Иккинчи ҳолатда рельефни суриб, бино учун майдон тайёрланади. Унда ҳам йўл қўйиладиган энг катта нишаблик қўйидагича топилади:

$$i_{\max} = \frac{B_{\max} - B_{\min}}{L_{\delta}} \cdot 100\% \quad (2.13)$$

бу ерда  $i_{\max}$  - йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал нишаблик, %;

$B_{\max}$  ва  $B_{\min}$  “пол”нинг ердан максимал ва минимал кўтарилиши

$$B_{\max} = 1,51,7 \text{ м.} \quad B_{\min} = 0,5 \div 0,8 \text{ м.}$$

Бинонинг узунлиги майдонча қазилиш ёки кўмилиш ҳисобидан қўйидагича топилади:

$$\ell = (h_k + h_q - bi) / (i_T - i_C); \quad \ell = b_{\max, \min} / (i_T - i_C); \quad (2.14)$$

бу ерда ,  $i_T$  - табиий нишаблик;  $i_C$  - сурилгандан кейинги нишаблик.

Агар майдонда тупроқни суриб қўйиш ҳисобидан бажарилса, унда

$$L_{\delta} = (b_{\max} + b_{\min} - \ell i_k) / (i_T - i_C); \quad (2.15)$$

бу ерда  $b$  - бинонинг эни, м;  $\ell_k$  - бинонинг кўндаланг нишаблиги;  $\ell$  - бинонинг узунлиги, м;  $b_{\max} - b_{\min} \leq 1/2$  м.

*Бибиширин маҳалласини режалаштиришнинг вазифалари*

1. Ернинг юза қисмидаги сув оқимини микрорайон ҳудудидан ташқарига чиқаришни ташкиллаштириш;
2. Маҳалла кўчалари, майдонлари ва чорраҳаларида машина ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун мумкин бўлган қиялик билан таъминлаш;
3. Ер ости муҳандислик тармоқларини ва уйларни жойлаштириш учун яхши шароит яратиш;
4. Жуда ноқулай бўлган физик, геологик жараёнларда ернинг юза қисмини яхшилаш;
5. Ернинг юза қисмига меъморий, гўзал шакл бериш;
6. Ернинг юза қисмини керакли вақтда сунъий равишда ўзгартириш;

7. Катта-катта иншоотларни қуришда керакли вазифани бажариш;

Бибиширин маҳалласи ҳудудини ҳамма жойидан ернинг юза қисмидаги ёмғир ва қор сувларини маҳалла ҳудудидан ташқарига чиқариш ишлари олиб борилади ва шунинг учун қишлоқларда очик ва ёпик сув системаси қўлланилади. Бу ариқлар ёки қувурлар орқали мўлжалланган сувни қишлоқ ҳудудидан ташқарига ёки сувларни тозалаш иншоотига олиб бориб қўйилади.

Ернинг юза қисмидаги нуқта белгисини шундай режалаштириш керакки, ернинг юза қисмини табиий ҳолда ўсимликларни ва ўсимлик ўсадиган тупроқ қатламини сақлаб қолишга катта эътибор бериш керак.

Тупроқни тенг тақсимлашни ва тупроқ ишлари, ҳажми кам бўлишини инобатга олиб, режаланаётган ҳудуднинг нуқта белгисини аниқлаймиз.

Бибиширин маҳалласи ҳудудларини режалаштириш иши, асосий мақсад бўлиб қолиши керак эмас.

Бибиширин маҳалласи қурилишида фойдали бўлган кам ҳажмда тупроқ ишлари ва табиий ер юзига кам ўзгартиришлар киритишга ҳаракат қилиш керак.

Тикка режалаштиришнинг фойдали иш қобилиятини қуйидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан аниқланади:

- Лойиҳа ишидан катта фойда бўлиши мумкин, агарда кам ҳажмли тупроқ ишлари бўлса;
- Тупроқни қазилар ва тупроқ тўлиш ҳажми бир хил бўлса ва машина билан тупроқни бошқа жойга олиб бориш ва олиб келиш ишлари бўлмаса;
- Участкадан — участкага тупроқ алмашишда (тупроқни машина ёрдамида олиб кетиш ва олиб кетишда) масофани ҳар тарафлама қисқартириш;

Бибиширин маҳалласини тикка режалаштириш лойиҳалашнинг асосий усуллари қуйидагилардир:

1. Нуқта белгиси усули;

2. Қизил горизонталлар усули;
3. Ён томондан кўриниш лойиҳа усули.

Бибиширин маҳалласини тикка режалаштиришда юқоридаги усуллардан бирига асосланган ҳолда лойиҳа бажарилган. Бу лойиҳа бажарилишида қизил горизонталлар усули қўл келган. Бу усул қулай ва микрорайонга мос келган.

*Нуқта белгиси усули. Тикка режалаштириш лойиҳаси-* Қишлоқ худудининг геодезик топосъемкасига кўра ва шу микрорайоннинг бош режасига кўра тикка режалаштириш лойиҳасини бажаришда биринчи навбатда табиий ер қисмининг нуқта белгиси (қора белги) кўчаларнинг юза чорраҳаларида ва ер юза ўзгарган жойларида аниқланади.

Қора белгилар табиий ер юза қисмидаги горизонталлар оралиғидаги баландлик белгисини билдиради ва улар интерполяция усули билан

иқланади. Нуқталар орасидаги масофа чизмадаги нуқталар оралиғи ўлчаб олиниб масштаб бўйича қўйилади. Нуқталар оралиғидаги бўйлама қиялик мумкин бўлган кичик ва катта қиялик текширилиб кўрилади. Бўйлама қиялик қуйидаги формула орқали топилади. Бўйлама қиялик, нишаблик, %.

Кўпинча Бибиширин маҳалласида лойиҳаланаётган жойнинг бўйлама қиялик мумкин бўлган энг катта ва энг кичик қиялик меъёрига тўғри келмайди. Бундай пайтда, мумкин бўлган бўйлама қиялик, яъни бир нуқта томонидан тупроқ қовлаб олиниб, иккинчи нуқта томонга ташланади, сунъий ҳолда ҳосил қилинган бўйлама қиялик, яъни лойиҳа белгилари (қизил белги) орасидаги ишчи белги дейилади ва ижобий белги (тупроқ тўкилган бўлса) (плюс), салбий белги (тупроқ қовлаб олинган бўлса), (минус) ишоралари билан чизмада кўрсатилади. Лойиҳа белгиси шундай тоқлаб қўйилиши керакли, қора белги билан қизил белги фарқи шароитга қараб 0,5м дан ошмаслиги керак. Тикка режалаштириш лойиҳасини бажаришда кўча ва чорраҳалардан паст ёки чуқур жойлар пайдо бўлишга яъни сув олмайдиган жой ҳосил бўлишига иложи борица йўл қўймасликка ҳаракат қилиш керак. Тикка режалаштириш лойиҳасида чорраҳалардаги кўчаларнинг ўқ чизиқлари

кесишган жойга ҳамда ер юза қисмининг қиялиги ўзгарган жойга табиий (қора) ва лойиха (қизил) белги, ҳамда ишчи белги ўзининг ишораси билан кўрсатилади. Бу нуқталар орасига стрелка билан нишаблик кўрсатилади. Стрелканинг юқорисида қиялик (бўйлама) кўрсатилади, пастида эса нуқталар орасидаги масофа кўрсатилади. Тикка режалаштириш лойихаси асосан икки босқичда бажарилади. Маҳалла ҳудудидаги ёмғир сувларини қайси томондан ташқарига чиқариб юбориш юқолишини катта тезликда ҳаракат қилишга мўлжалланган магистраль йўллари ва темир йўл йуқолиши аниқланади бош режани ишлаш учун тикка режалаштириш лойихасининг оптимал варианты тахлаб олиниб иккинчи босқичда ўтилади. Маҳалла ҳудудини тикка режалаштириш лойихаси табиий ер тузилишига боғлиқ шунинг учун микрорайон лойихаланаётганда айрим кучалар да табиий ер тузилиши сув оқизмига керак бўлган нишабликни бермайди. Бу ҳолда қурилиш нормаларига асосан қабул қилинган нишаблик сунъий ҳолда келтирилади. Кучаларда айрим нуқталардан тупроқ қовлаб олиниб, айрим нуқталарига ташланади ва қўзланган нишаблик ҳосил қилинади микрорайонни тикка режалаштиришини яна бир мақсади шуки, бу ерда аҳоли турар жой бинолари ҳовлиларни суғориш ҳам кузда тутилган. Ҳар бир хонадан эгаси ўз ҳовлисини сув билан суғориш керак. Шунини қўзда тутиб сув ўз оқими билан оқиши йўлга қўйилган. Бибиширин маҳалласининг табиий ер тузилиши тинч, шимолдан жанубга томон катта бўлмаган нишабликда пасайиб боради. Бу ерда қорлик ва дўнгликлар йўқ. Фақатгина айрим кўчаларгина бизга керакли бўлган нишабликни бермайди. Шу кўчалардан биттасини қараймиз. Бундай ҳолда биз кўчанинг энг кичик бўйлама қиялиги 0,0004 ни табиий нуқталар (қора) айримасига кўпайтириб уларни тенг ярмини катта томонга қуйиб, кичик белги томондан шунга айириб талаб қилинган нишабликка эришамиз.

$$71,6 - 71,2 = 0,4 \quad 200 \times 0,004 = 0,8 \quad 0,8 - 0,4 = 0,4 \quad 0,4 : 2 = 0,2$$

# БИБИШИРИН МАҲАЛЛАСИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ВА МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИ ХИСОБИ ҚИСМИ

## 4.1.Кўкаламзорлаштириш тартиби

Бибиширин маҳалласини кўкаламзорлаштириш тартиби ҳар хил вазифаларни бажарувчи майдонларга бўлинади.

Булар ичида қуйидагилар энг керакли ҳисобланади.

1. Ҳамма фойдаланадиган ўсимликлар киради, яъни қишлоқ ичидаги ва қишлоқ ташқарисидаги боғлар, дарахтзорлар, хиёбонлар ва кўча атрофида экилган дарахтлар киради.
2. Бу гуруҳга маълум кишилар фойдаланадиган ўсимликлар киради, яъни биринчи гуруҳ ўсимликларга нисбатан бутун қишлоқ аҳолиси фойдалана олмайди, яъни мактаб ҳовлисидаги, ўқув юртлари ҳовлисидаги касалхона, боғча, клуб, маҳалла ҳудудидаги ўсимликларни ўз ичига олади.
3. Бу гуруҳга махсус вазифани бажарувчи ўсимликлар киради, яъни турар-жой доираси билан саноат корхоналари оралиғидаги «ҳимоя йўлаги»дан ўсимликлар шамол эсишдан қум ва қор кўчишидан сувни тоза сақлаш учун экилган дарахтлар киради.

Қишлоқни кўкаламзорлаштириш тартиби қуйидаги меъёрдан фойдаланилади

жадвал

| №                                | Ўсимликлар босқичлари                       | Қишлоқ 1 кишига 1м <sup>2</sup><br>мўлжалланган меъёри |        |       |
|----------------------------------|---------------------------------------------|--------------------------------------------------------|--------|-------|
|                                  |                                             | Энг<br>катта                                           | Ўртача | Кичик |
| 1                                | I-гуруҳ<br>Қишлоқ миқёсидаги истироҳат боғи | 8                                                      | 5      | -     |
| 2                                | Маҳаллалар кўкаламзор майдони               | 5                                                      | 5      | 5     |
| 3                                | Кўчалар яшил майдонлари                     | 5                                                      | 4      | 3     |
| Жами фойдаланиладиган ўсимликлар |                                             | 18                                                     | 14     | 8     |

|    |                                                |       |       |       |
|----|------------------------------------------------|-------|-------|-------|
|    | II-гурӯҳ                                       |       |       |       |
| 1  | Стадион майдонларида                           | 2,6   | 2,6   | 2,8   |
| 2  | Боғча ховлисида                                | 1,2   | 1,2   | 1,2   |
| 3  | Яслилар ховлисида                              | 0,75  | 0,75  | 0,75  |
| 4  | Мактаб ховлисида                               | 3,3   | 3,3   | 3,3   |
| 5  | Соғлиқни сақлаш, касалхоналарда                | 1,24  | 1,24  | 1,24  |
| 6  | Маданий маиший бинолар ховлисида               | 0,79  | 0,79  | 0,79  |
| 7  | Ишлаб чиқариш корхоналарида                    | 8     | 8     | 8     |
|    | Жами фойдаланилган ўсимликлар                  |       |       |       |
|    | III-гурӯҳ                                      |       |       |       |
| 8  | Тозалиқни химоя қилувчи<br>“химоя йўлаги”      | 7     | 7     | 7     |
| 9  | Қабристон майдонлари                           | 0,77  | 0,77  | 0,77  |
| 10 | Қишлоқда ҳар-хил вазифани бажарувчи ўсимликлар | 5     | 5     | 5     |
|    | Жами махсус экилган ўсимликлар сони            | 12,77 | 12,77 | 12,77 |

Маҳалла Самарқанд вилоятида жойлашган. Табиати ўсимликларга жуда бой. Бу ерда айрим боғлар сақланиб келинмоқда. Бибиширин маҳалласи лойхаланаётган ҳудуд боғларга тутшиб кетган. Лойихаланган қишлоқдаги ҳар бир оила уз ховлисига эга.

Бибиширин маҳалласида дарахт ва буталар сояси инсонни қуёш нуридан сақлайди ва кислородга тўйинтиради. Қишлоқни кукаламзорлаштиришда юқоридагилар эътиборга олинди.

Бибиширин маҳалласининг дарахтларининг яна бир узига хос хусусияти, улар шамолга қарши энг ишончли химоя воситасидир. Қишлоқда доимо шамол эсиб туради. Шамолнинг йуналиши жанубий ғарбдан, шимолий шаркка томон йуналган. Шамол йўлини тузиш мақсадида қишлоқ ҳудудининг атрофига қатор-қатор қилиб чинор, қайроғоч дарахтлари утказилган.

Бибиширин маҳалласи кўкаламзорлаштириш буйича ишлар ҳажми  
куйидаги жадвалда кўрсатилган

| № | Кўкалам<br>зорлашти<br>риш тури | Бош муддатда қурилиш лозим<br>бўлган ховлилар номланиши |                      |                                     | Умумий<br>фойда<br>ланувчи<br>яшил<br>майдон | Биринчи навбатдаги<br>қурилиш |                                 |
|---|---------------------------------|---------------------------------------------------------|----------------------|-------------------------------------|----------------------------------------------|-------------------------------|---------------------------------|
|   |                                 | Ўлчов<br>бирлиги                                        | Кўча ва<br>майдон    | Жамоат<br>бинолари<br>ховлилар<br>и |                                              | Кўча ва<br>майдон-<br>лар     | Жамоат<br>бинолари<br>ховлилари |
| 1 | 2                               | 3                                                       | 4                    | 5                                   | 6                                            | 7                             | 8                               |
| 1 | Дарахт<br>ўтказиш               | Дона/м <sup>3</sup>                                     | $\frac{6000}{1620}$  | 6930                                | 3969                                         | $\frac{684}{185}$             | 324                             |
| 2 | Кустарникла<br>р ўтказиш        | Дона/м <sup>3</sup>                                     | $\frac{10000}{1000}$ | 11550                               | 6160                                         | $\frac{1140}{114}$            | 540                             |

Берилган маълумотлар: 140 ўринли “Тўда” қишлоқсида қуриладиган болалар ясли боғчасини асосий лойиҳалаштириш талаб қилинади.

#### **4.2 Қишлоқларни кўкаламзорлаштириш**

Бибиширин маҳалласидаги ҳаётни ўсимликлариз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсонни ўраб турган муҳитнинг шаклланишида уларнинг аҳамияти жуда юқори ва хилма-хилдир, чунки ўсимликлар санитария-гигиеник вазиятни яхшилаш хоссаларига эгадирлар. Ўтказилган дарахтлар гамол кучини, шовқинни пасайтиради, иссиқлик режимини тартибга солади, ҳавони чангдан ва зарарли саноат чиқиндиларидан, патоген микроорганизмлардан тозалайди ва уни намлантиради, бу эса жуда кўп соғломлаштирувчи аҳамиятга эга. Ўтказилган дарахтлар Қишлоқ – қишлоқлар аҳолисининг дам олиши, оммавий маданий -оқартув тадбирларини, жисмоний тарбия ҳамда соғломлаштириш ишларини ташкил этишнинг энг яхши муҳитдир. Ўтказилган дарахтлар – бу фақат айрим аҳоли турар жойларида яшашнинг санитария- гигиеник шароитларини тубдан ўзгартирашининг асосий усулларида биридир.

Ўсимликлар аҳоли турар жойлари муҳандислик ободонлаштиришда муҳим ўрин эгаллайди. Улар ёрдамида автомагистралларда транспорт ҳаракати тартибга солинади, жарликларга қарши кураш олиб борилади, ён

бағирлар, қияликлар мустаҳкамланади, меморация ишлари амалга оширилади.

Бибиширин маҳалласида ўсимликлар маҳалла меъморчилигида муҳим аҳамиятга эга. Улар маҳалла ландшафтининг бойитиш кўпинча эса шакллантиришнинг ажойиб воситаси бўлиб хизмат қилади ва парклар ҳамда боғлар меъморчилиги масалаларини ҳал этишда етакчи ўринни эгалайди. Катта меъморий- режалаштириш ва санитария-гигиеник аҳамияти туфайли дарахтлар маҳалла ёки қишлоқ мажмуини ташкил этувси асосий кўшилувчилардир.

#### ***4.3. Ўсимликлар ва ҳавонинг ифлосланиши.***

Бибиширин маҳалласида ҳамда мамлакатимизда ва хорижда ўтказиладиган тадқиқотлар ҳавонинг электрик ҳолатининг муҳим гигиеник аҳамиятини кўрсатади. Ўсимликлар ажратадиган органик моддалар ҳавонинг ионланишига катта таъсир кўрсатади: инсон саломатлиги учун энг қулай бўлган манфий ионларнинг концентрацияси ортади. Иқлимнинг фойдалилик даражаси одатда организмнинг химиявий кучларини оширишга қодир бўлган ҳаводаги манфий ионларнинг миқдори билан белгиланади.

Ҳавонинг энг яхши ионланиши одатда ўрмонда, дарахтларнинг шох-барглари тўшамаси остида, Қишлоқдаги боғ ва паркларда, айниқса аралаш баргли ( $1\text{ см}^2$  ҳавода 1283 та энгил ион) ва қарағай баргли ўсимликларда ( $1\text{ см}^3$  да 1166 энгил ион) кузатилади. Атмосферанинг ионлар билан тўйинганлиги даражаси жинсларнинг фақат дендрологик таркибинигина эмас, балки кўк ўсимликларнинг ёшига ҳам боғлиқ. Ёш ўсимликларда энгил ионлар концентрацияси эски ўсимликлардагига қараганда юқоридир. Ҳавонинг ионланишни ошириш учун ёғоч ва гули ўсимликлар ажратадиган смолали ва ҳидли ўсимликлар катта аҳамиятга эга. Гулзорлардаги ионланиш қарағай-баргли ўсимликлардагига қараганда ўртача 60% юқори ҳавонинг ионланишига оқ қайин, оддий қарағай, қайин, сибирь систвентица, оддийсирень, америка заранги, биота, ғарб туяси, эман, майда баргли липа; гулдилардан – герань, олгандр, энг қулай таъсир кўрсатади. Манфий ионлар



сони ҳавонинг температураси, тупроқнинг, ёритилганлигига тўғридан тўғри боғланишда бўлади, нисбий намлик ва шамол тезлигига тескари боғланишда бўлади. Ўрмон ўсимликларида шамол тезлигининг камайиши, ўрмон ўсимликларидаги шамол тезлигининг камайиши уларда ионлашган ҳавони тутиб туриш имконини беради.

Бундан, Қишлоқларда ва ишчи қишлоқларда кўк ўсимликлар ҳаводаги ион баланси - қўллаб қувватлашда қандай аҳамиятга эга бўлиши кўринади. Шунинг учун ҳозир бу масалани ўрганиш ҳалқаро биоклиматогларнинг ва биомесороглар жамиятининг тадқиқотлар дастурига киритилгани бежиз эмас.

#### ***4.4. Шовқинга қарши курашишда ўсимликларнинг аҳамияти.***

Транспорт воситалари ва саноат корхоналарининг ишлаши туфайли вужудга келадиган Қишлоқ шовқини инсонлар саломатлигига катта зарар келтиради. Катта қишлоқларда уларнинг интенсивлиги йилдан – йилга ортиб бормоқда. Баланд ва узоқ давом этган шовқин асаб тизимини хавсизлантиради, у одамни асабий ва сержахл қилади. Шовқин таъсирида пульс ва нафасолиш тезлашади, қон босими ортади. Катта Қишлоқларда у инсон умрини бир неча йил қисқартириши мумкин. Санитария меъёрига кўра йиғинди шовқин 40 децибелга тенг. Кейинги 30 йил мобайнида Қишлоқлардаги шовқин меъёрдагидан икки ва ундан ортиқ марта ошиб кетди.

Бибиширин маҳалласида шовқинга қарши курашишда вертикал бирлашган дарахтлар қаторлари самарали бўлиб, улар ҳимояланаётган объектига нисбатан тўғри жойлашиши лозим. Баргли дарахт турлари 25% шовқинни ютади ва 75% шовқинни қайтаради. Дарахтлар товуш тўлқилари йўлларини тўсади, шунинг учун интенсив ҳаракат ли кўча ўқи бўйича жойлашган ҳиёбон кўча ёқасидаги турар жойларни фақат шовқиндагина ҳимоялаб қолмасдан, балки, агар қатнов йўлидан дарахтлар қатори билан тўсилмаган бўлса, аксинча, уйлардаги шовқинни кучайтиради. Шовқинни пасайтирувчи минтақанинг кенглиги 10м дан кам бўлмаслиги лозим ва бир неча зич қаторлардан ташкил топиши керак.

# ТУМАН АҲАМИЯТИДАГИ МАГИСТРАЛ КЎЧАЛАР ҚИСМИ

## 5.1. Турар жой кўчалари

Бибиширин маҳалласида барча турдаги қишлоқ транспортининг жадаллиги ва тезлигининг ортиши билан қишлоқларда транспорт тармоғи учун янги талаблар қуяди. Катта бўлмаган кварталлардан иборат Қишлоқларимизда деярли бир хил шаклда утказилган кўча-йўл тармоқлари бугунги кун транспорт талабларига жавоб бера олмайди.

Бибиширин маҳалласида кўча ва йўл тармоқларини тоифалаштириш транспорт оқимини жадал равишда утказиш имконини берувчи шароит яратишга имкон беради. Қуйида Қишлоқ кўча ва йўл тармоқларининг тоифалари келтирилади.

Тезкор йўллар-қишлоқ йўлларининг кўчалардан асосий фарқи, улар асосан очиқ, қурилиш иншоотлари мавжуд бўлмаган жойлардан утказилади. Қурилиш мавжуд жойларда эса йўллар ён атрофдан ажратилади ва улар катта тезликда ҳаракатланадиган транспортларни утказиш учун, транзит ҳаракат учун хизмат қилади. Тезюрар йўллар Қишлоқ транспортининг артерияси ҳисобланиб, Қишлоқ транспортини ташқи кирувчи ва чикувчи транспорт билан, Қишлоқнинг халқасимон йўллари билан боғлайди.

Енгил автомобиллар учун тезкор йўлларда ҳисобий тезлик 120 км/с ни ташкил этади.

Маҳаллий тураржойлардан туғридан- туғри тезкор йўлларга кириш мумкин эмас. Бунинг учун махсус пандуслардан фойдаланилади. Тураржой, тезкор йўллардан махсус кўкаламзор ёрдамида камида 50 м масофада ҳимояланади.

Тезкор йўлларда ҳаракат узлуксизлигини таъминлаш учун Қишлоқ ва маҳаллий аҳамиятдаги кўчалар билан кесишмалар турли сатҳларда амалга оширилади. Турли сатҳлардаги кесишмалар ҳам ўз навбатида камида ҳар 800-1000 м ораликда бўлиши лозим. Тезкор йўлларда пиёдалар кесишмаси фақатгина турли сатҳларда амалга оширилади.

Тезкор йўлларда транспорт ҳаракатининг тезлиги ўртача 2 мартага ортади, битта ҳаракат полосасининг утказиш қобилияти 2,5-3 мартагача ортиб, ўз навбатида бахтсиз ҳодисалар сони кескин камаяди.

Тезкор йўлларда эгрилик радиуси 3000-5000 м бўлиб, 600 м дан кам бўлмаслиги керак.

Энг катта бўйлама қиялик 4% ни ташкил этиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда тезкор Қишлоқ йўллари асосан эстакада сифатида кўтарилган бўлиб, ҳаракати тўлиқ химояланган махсус иншоотларда амалга оширилган. Тезкор автомобил йўли биринчи бўлиб АҚШда, Нью-Йорк шаҳрининг экспериментал йўлдош Қишлоқчаси бўлмиш Радбернда қулланилган.

*Умум қишлоқ аҳамиятидаги магистрал кўчалар*-Қишлоқларда асосий ҳаракат тизимини ташкил қилади. Бундай кўчалар энг қисқа масофалар орқали умумҚишлоқ миқёсидаги объектларни: тураржой туманларини саноат зоналари билан ва бошқа хизмат жойлари, дам олиш масканлари, умумҚишлоқ марказлари билан ўзаро боғлайди.

Умумқишлоқ аҳамиятидаги магистрал кўчалар асосий тураржой районларини қишлоқ маркази орқали ташқи транспорт (темирйўл, автовокзаллар ва аэропорт) билан ва тезкор йўллар билан боғлайди.

Умумқишлоқ аҳамиятидаги магистрал кўчаларда қатнов қисмининг уқларига нисбатан эгрилик радиуси 400 м бўлиб, энг катта бўйлама қиялик 5% ни ташкил этади. Тоғли ва қийин шароитли жойларда, реконструкция қилинаётган маҳаллаларда бўйлама қиялик 6% гача бўлиши мумкин.

Умумқишлоқ аҳамиятидаги магистрал кўчаларда ҳисобий тезлик 80-100 км/с ни ташкил этади.

Ҳаракати бошқариладиган умумҚишлоқ миқёсидаги магистрал кўчаларда чорраҳалар орасидаги масофа камида 500м бўлиши лозим. УмумҚишлоқ аҳамиятидаги магистрал кўчаларга туман миқёсидаги ёки маҳаллий кўчаларнинг қушилган жойлари орасидаги масофалар ҳам камида 300-500м ни ташкил этади.

*Туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар-кишлоқнинг* иккита ёки ундан ортиқ тураржой туманларини, саноат зоналари гуруҳларини ёки алоҳидаги корхонани бир нечта тураржой туманлари билан ёки маҳаллий дам олиш зоналари билан боғлайди.

Туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар соатига 300дан 1500 гача автомобилларни утказиш қобилияти билан характерланади.

Туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар яна тураржой туманларини Қишлоқ аҳамиятидги магистраллар билан ёки бевосита саноат туманлари билан боғлаш учун лойиҳаланади.

Туман аҳамиятидаги магистрал кўчаларда қатнов қисмининг ўқларига нисбатан эгрилик радиуси 250м бўлиб, энг катта бўйлама қиялик 6% ни ташкил этади. Туман аҳамиятидаги магистрал кўчаларда ҳисобий тезлик 80 км/с ни ташкил этади.

*Юк транспорти ҳаракати учун йўлла-*Юк транспорти ҳаракати учун йўллар, саноат ва қурилиш юкларини ташишга мўлжалланган бўлиб, тураржой зоналаридан ташқарида утказилади. Бошқа турдаги кўча ва йўллар билан битта сатҳда кесишиб, асосан, саноат зоналарида, коммунал-омборхона ҳудудларидан утказилади. Тураржой зоналарида, юк транспорти ҳаракати учун йўллар тураржойни кесиб утмасдан, аксарият ҳолларда айланма йўллар билан, темир йўлларга параллел ҳолатда утказилади.

Бибиширин маҳалласи ва тураржой даҳаларининг қишлоқ магистраллари билан боғлашда транспорт ва пиёдалар учун хизмат қилади.

Тураржой кўчаларида ҳаракат ҳажми 100-200 авто/соатга тенг. Одатда бундай кўчаларда жамоат транспорти ҳаракати йўлга қуйилмайди.

Тураржой кўчаларида қатнов қисмининг ўқларига нисбатан эгрилик радиуси 125м бўлиб, энг катта бўйлама қиялик 8% (тоғли ҳудудларда 10%) ни ташкил этади. Бундай кўчаларда ҳисобий тезлик 60 км/с ни ташкил этади.

Тураржой кўчаларига алоҳидаги ёки тураржой бинолари гуруҳига олиб боровчи ички йўлаклар бевосита қушилади.

Ички йўлаклар микрорайонлар ичида лойиҳаланиб, алоҳидаги ёки бинолар гуруҳига хизмат қилади. Одатда улар туман миқёсидаги магистрал кўчага ёки тураржой кўчаларига бориб уланади. Саноат туманларида улар орқали алоҳидаги объектларга борилади.

Ички йўлакларда қатнов қисмининг ўқларига нисбатан эгрилик радиуси 30м бўлиб, энг катта бўйлама қиялик 8% (тоғли ҳудудларда 10%) ни ташкил этади. Бундай кўчаларда ҳисобий тезлик 30 км/с дан ошмаслиги лозим.

## ***5.2. Пиёдалар йўллари.***

Бибиширин маҳалласи пиёдалар йўллари микрорайонларда, тураржой туманларида, жамоат ва савдо марказларида, истироҳат боғларида, ўрмон типдаги истироҳат боғларида, дам олиш масканларида, кўрғазмаларда, спорт мажмуаларида ва бошқа пиёдалар тўпланадиган жойларда лойиҳаланди.

Сўтги йилларда, қишлоқсозликда пиёдалар йўллари транспорт ҳаракатидан имкони борича ҳимояланмоқда.

Пиёдалар йўлларини, пиёдалар йўлкалари (тротуарлар) каби қатнов қисми бўйлаб эмас, балки эркин равишда, маданий-маиший марказларга, жамоат транспорти бектларига, махсус аллеяларга, пиёдалар учун ажратилган кучаларга чиқадиган килиб лойиҳалаш таклиф этилади.


Пиёдалар йўллари ва йўлаклари учун максимал бўйлама нишаблик 8% ни ташкил этади.

Бибиширин маҳалласининг бош режасини қуришда, турли тоифадаги кўча ва йўллар ўзаро битта поғона кетма-кетликда боғланиш тамоилига амал қилинади, яъни ички йўлаклар тураржой ёки туман аҳамиятидаги магистрал кўчаларга, улар ўз навбатида Қишлоқ аҳамиятидаги магистрал кўчаларга, улар эса тезкор ёки ташқи йўлларга уланиши лозим.

Юқорида келтирилган, тоифалаштирилган кўча ва йўллардан ташқари, Қишлоқсозликда махсус кўчалар (масалан, асосий ва савдо кўчалари, қирғоқ олди кўчалари, истироҳат боғларидаги йўллар) ҳам лойиҳаланади.

Асосий кўчалар-умумқишлоқ марказидаги асосий жамоат марказларига, савдо ва томоша муассасаларига, байрам кунларида аҳолини сайрга чиқиши учун ажратилган жойлар учун лойиҳаланиб, унда рельсли ва юк транспорти ҳаракати лойиҳаланмайди. Бундай кўчалар маъмурий, жамоат бинолари билан, йирик савдо ва томоша муассасалари билан, кўргазма павильонлари, театрлар, турли клублар ва музей объектлари билан чегараланади.

Аҳоли кўп йиғиладиган катта бинолар атрофида, Қишлоқ йўловчи транспортлари учун бекатлар қулай жойлаштирилиши лозим. Асосий кўчалар атрофида кириб-чиқиш атрофидаги магистралларга ҳалакит бермайдиган вазиятда енгил автомобиллар учун тухтаб туриш майдонлари ажратилиши лозим.




**Қишлоқ тезкор йўллариининг кўндаланг кесими (йўлнинг ярми кўрсатилган).**


Бибиширин маҳалласи агарда тураржойлар бир томонлама бўлса, тезкор йўллар эгаллайдиган ҳудуднинг кенглиги 80-105 м гача камаяди. Тезкор йўллар бошқа тоифадаги кўчалар билан кесишганда, тезкор йўлларни 3-5 м чуқурликда утказилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда чуқурликнинг деворлари бир вақтнинг ўзида шовқиндан ҳимояловчи экран вазифасини бажаради.

Бибиширин маҳалласида маҳаллий кўчалардан тезкор йўлга қушилиш ёки ундан чиқиш учун махсус ёнлама пандуслар қурилади. Пандуслар, қияликлар билан биргаликда чуқурликдан ўтувчи тезкор йўлларнинг умумий кенглиги 110-130м ни ташкил қилади.

Узлуксиз ҳаракатдаги умумқишлоқ миқёсидаги магистрал кўчалар ҳам бошқа кўча ва йўллар билан турли сатҳларда лойиҳалаштирилиб, умумий кенглиги 55-73м ни ташкил этади.



*Ҳаракати узлуксиз Қишлоқ магистрал кўчаларининг кўндаланг кесими (тоннел олдида).*



*Ҳаракати узлуксиз Қишлоқ магистрал кўчаларининг кўндаланг кесими (эстакада олдида).*

Бибиширин маҳалласида ҳаракати бошқариладиган умумқишлоқ миқёсидаги магистрал кўчаларда чорраҳалар орасидаги масофа камида 500 м бўлиши лозим. УмумҚишлоқ миқёсидаги магистрал кўчаларга туман миқёсидаги ёки маҳаллий кўчаларнинг қушилган жойлари орасидаги масофалар ҳам камида 300-500м ни ташкил этади.

Ҳаракати бошқариладиган умумқишлоқ миқёсидаги магистрал кўчалар улкан Қишлоқларда одатда 50-60м ни ташкил этади. Агар бу кўчага қатнов қисми 6 м бўлган, яшил полосалари билан биргаликда маҳаллий кўчалар ҳам

параллел ҳолатда лойиҳаланса, бундай кўчанинг кенглиги 70-80м ни ташкил этади.

Бибиширин маҳалласида *пиёдалар йўлчалари (тротуарлар)*-Пиёда йўлларининг ўлчамлари пиёдалар оқимининг жадаллигига қараб аниқланади. Пиёдалар йўлида битта йўлакнинг ўтказиш қобилияти 600÷1000 пиёда/соат. Битта йўлакнинг эни эса 0,75 м қабул қилинган.

Бибиширин маҳалласида қишлоқсозлик меъёрларига кўра пиёдалар йўлларининг эни қуйидагича бўлади:

- Қишлоқ аҳамиятидаги магистрал кўчаларда 4,5÷7,5м;
- туман аҳамиятидаги магистрал кўчаларда 3,0м;
- маҳаллий кўчаларда 2,25м;
- ички йўлакларда ва саноат зоналаридаги йўлларда 1,5м.

Агарда тротуарларда ташқи ёритиш чироқлари, троллейбус устунлари қуйиладиган бўлса, мос равишда унинг кенглиги 0,5-1,2м гача кенгайтирилади.

Баъзи зарурий ҳолларда пиёдалар йўлининг эни кенгайтирилиши мумкин. Бу эса кўкаламзор ҳимоя полосалари ҳисобига амалга оширилади.

Пиёдалар йўллари ҳисобидан турли киосклар, дукон ва бошқа турдаги иншоотлар қурилиши таъқиқланади.

Пиёдалар йўллари қопламаси мустаҳкам ва текис бўлиши, лекин сирпанчиқ бўлмаслиги лозим. Кўча - йўл тармоғи қопламасидан фарқли ўларок, пиёдалар йўллари қопламасига кетадиган ҳаражат анча камдир.

Бибиширин маҳалласида пиёдалар йўлларида максимал бўйлама қиялик 6%ни ташкил этади.



Пиёдалар оқими катталиги кўчада қандай объектлар қурилганлигига ҳам боғлиқдир. Масалан, оммавий қатнов объектлари олдида 7,5м (максимал кенглик) ни ташкил этса, витриналар ёнида унга яна 1метр қушилади.

Тротуарлар кўчанинг қатнов қисмидан 15см баландликда лойиҳаланиб, чегараловчи тошлар билан ажратилиб, қатнов қисми томонга 1,0-1,5% нишабликда қурилади.



Қишлоқ (қишлоқ) ички йўллари-Маҳалла, тураржой райони ва саноат районларидаги ички кўча ва йўллар – бинолар гуруҳига ёки алоҳидаги бино ва иншоотларга, маданий- маиший объектларга, дукон, мактаб, боғчаларга, хўжалик майдонларига, ёнғинга қарши гидрантлар ва бошқа хўжалик ва ҳавфсизлик хизматлари объектларига хизмат қилади.

Ички йўлларни лойиҳалашнинг асосий техник меъёрлари уларнинг аҳамияти ва ундаги тезликни 30 км/с га мўлжалланади.



Алоҳидаги бино ёки иншоотга, хўжалик майдонига бир томонлама ҳаракатда қатнов қисми 3,5м қабул қилинади. Кўп қаватли тураржой бинолари гуруҳига икки томонлама ҳаракатда қатнов қисми 5,5 м қабул қилинади.

3,5м ли ички кўчаларда ҳар 100м да эни қатнов қисми билан биргаликда 6м, узунлиги 5м. бўлган ўтказиш майдонлари мўлжалланади. Ички кўчаларнинг узунлиги 50м. дан ошиб кетмаслиги керак, бу нарса уйларга автомобилларни келишини ва уларни микрорайон ичидаги ҳаракатини кўпайтириб юборади.

Боши берк ички кўчалар ўлчами 8х8м. ёки радиуси камида 10 м бўлган бурилиб олиш майдончаси билан тугаши лозим. Ички кўчалар тураржой ва жамоат бинолари деворидан камида 5м. ўзқликда жойлашиши лозим ва ҳар бир кириш жойига алоҳида йўлак киритилиши керак. Уйлар олдида дарахт ва бўталар махсус (ёнғинга қарши) транспортларга ҳалакит

бермайдиган ҳолатда экилади. Тротуарлар кенглиги камида 1,5м. қилиб, уларнинг бурилиш радиуслари камида 5 м қилиб лойиҳаланади.

Бибиширин маҳалласи ичига кирувчи йўлакларнинг бири-биридан оралиғи 300м. дан ошмаслиги лозим, мураккаб периметриал режалаштиришда эса 180м. дан ошмаслиги керак. Ички йўлаклар сиртида энг кичик ҳисобий кўриниш даражаси 40 м ва қарама- қарши автомобил учун камида 80м, бўйлама нишаблик 80 %о дан ошмаслиги лозим. Тротуарларда - 60%о, майдонларда - 30 %о, автомобиллар сақлаш жойида - 20%о. Алоҳидаги қийин шароитли ҳолатларда бўйлама киялик 100%о гача оширилиш мумкин.

# БИБИШИРИН МАҲАЛЛАСИНИ МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҚИСМИ

## 6.1.Ичимлик суви билан таъминлаш

Бибиширин маҳалласида таксимловчи регулятор оркали сув куча арикларига ва улар оркали ховлиларга берилади.

Ховлилар хисобидан сугориш тармоги куйидаги майдонларни сугориш учун ишлатилади:

1. Яшил майдонларни сугориш
2. Турар жой ва жамоат бинолари ховлиларини сугориш
3. Куча атрофидаги майдонларни сугориш
4. Хужалик учун
1. Сув хавзаларини тулдириш учун

Талаб қилинган, суғориш учун сарф бўладиган сув миқдори, суғориладиган майдон юзасига ва суғориш меъёрига ҳисобланади:

1. Жамоат ва турар-жой бинолари ховлилар учун – 50%
2. Умумий фойдаланилувчи яшил майдонлар учун -100%
3. Кўча ва майдонларни суғориш учун -25%
4. Хўжалик учун -5%
5. Ишлаб чиқариш доираси учун -25%
6. Умумий суғориладиган майдон – 101,87 га

Ариқлар кучалардан утиш жойларида ва чорраҳаларда темир-бетон кувурлар оркалиари йўлакчалари остида эса асбестцемент кувурлар билан туташтирилган.

*Бибиширин маҳалласи учун талаб қилинган сув сарфи*

1.Жамоат ва турар-жой бинолари ховлилари, яшил майдонлари сугоришучун сарф буладиган сув куйидаги формула оркали ҳисобланади.

$$Q_{ap} = \frac{N_{сўғ.} \cdot J}{k}; \text{ л/сек}$$

$Q_{ap}$ - Сув сарфи л/сек

$N_{ap}$ - Суғориладиган майдон, га

У-Сугориш гидромодули = 0,65 м/сек

К-Тармокнинг фойдали иш коэффициенти = 0,8

2. Куча ва майдонларни сугориш  $Q=q \times w$

Q Сув сарфи

q Сугориладиган майдон

w Куча учун сугориш модули 1 м майдон учун суткасига 4 л/сек

*Бибиширин маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш*- Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги қишлоқнинг ичимлик суви билан ва чиқинди сувларни ташлаш лойихаси куйдагилардан иборат. Аввалдан мавжуд бўлган кудук ва ичимлик суви тармоқлари лойихаланаётган қишлоқ талабларини қондира олмайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда янги ичимлик суви тармоқлари лойихаси бажарилиши керак.

Бибиширин маҳалласи бош режасини, уни келгусида ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, куйдаги ечим қабул қилинди:

Бибиширин маҳалласининг шимолий-ғарбида алоҳида кудуклар қозиш, сув йиғиш иншооти урнатиш.

Санитар-химоя доирасини яратиш, сув билан таъминлаш иншоотини қуриш ва сув тармоқларини утказиш ишлари кузда тутилган.

Талаб қилинган ичимлик суви меъёри ва сув сарфи ҳисоби.

Сувга булган эҳтиёж куйдагилардан иборат.

-қундалик эҳтиёж учун, ишлаб чиқаришга, ёнгинга қарши гидрантлар учун керак булган сув сарфи СНиП оракали лойихалаштирилган.

Ут учириш учун сув сарфи қишлоқ учун ташки ут учириш автомобиллар ёрдамида бажарилади. Ёнгинга қарши гидрантлар сув кудукларига урнатилади. Ташқаридан ёнгинни учириш учун 10 л/сек сув сарфи талаб қилинади. Ёнгин сони 1 марта паст босимли тармоққа уланган.

| №  | Номланиши                                                                                                                                   | Улчов<br>бирлиги | айланаси | I-<br>навбатда | II-<br>навбатда |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------|----------|----------------|-----------------|
| 1  | 2                                                                                                                                           | 3                | 4        | 5              | 6               |
| 1. | 65 метр чуқурликдаги кудук жихози билан                                                                                                     | дона             | -        | 3              | -               |
| 2. | ЭЛБЮ-63-65 22 КВТ кувватга эга булган насос станцияси                                                                                       | дона             | -        | 4              | -               |
| 3. | 20 метр узунликдаги тиндиргич                                                                                                               | дона             | -        | 3              | -               |
| 4. | Кудук устига урнатилган на сос ва бактериологик тоза лаш ускунаси т.п. 901-2-46                                                             | дона             | -        | 3              | -               |
| 5. | 50 м сигимли сув босими хо сил килиш учун урнатилган башня т.п 001-21-46                                                                    | Дона             | -        | 1              | -               |
| 6. | Режа асосидаги 60х60 кенг ликдаги курикланадиган са нитар доираси кукаламзор лаштириш билан биргалик да, атрофи тусилган 2,5 м ба ландликда | Га               | -        | 0,36           | -               |
| 7. | Коровулхона 6,0х4,5м                                                                                                                        | дона             | -        | 1              | -               |
| 8. | Сув утказиш кувури чуяндан диаметри 100мм.                                                                                                  | П.м              | 100      | 10600          | 2040            |
| 9. | 50 ммли сув утказиш кувури, чуяндан                                                                                                         | П.м              | 50       | 2070           | 11730           |

## **6.2.Электр тармоклари манбаи ва электр тармоклари схемаси**

Бибиширин маҳалласи электр тармоклари манбаи ва электр тармоклари схемаси қишлоқ электр тармоклари 35/10-квт кучланишига мулжалланган. Лойихаланган электр истеъмолчилари электр таъминоти бўйича III-категорияли, маданий маиший бинолар учун 2 категориялидир. 2 категорияли электр истеъмолчилари учун ҳаво линиялари икки марта маҳкамланган утказгичлар ёрдамида лойихаланади. 3 категорияли ҳаво линиялари 380/220 В кучланиш учун ишлатилади. Қишлоқни бутунлай объектлари учун ЛЭП-10 кв юкори кучланишли электр линияси оркали берилади.

Хисобий нагрузка 0,4 кв трансформаторлар подстанция учун.

$$P_y=733,75 \text{ кВт}$$

$$S_{\max \text{ кун}}=56,12+35,4+3,3=94,82 \text{ КВА}$$

$$S_{\max \text{ кеч}}=186,7+67,6+3,3+11,25=268,85 \text{ КВА}$$

КТПП-В 630-2 турдаги трансформатор подстанцияси қабул қилинди қуввати 400 КВА.

| 1. | 2                                   | 3   | 4      | 5      | 6    | 7      | 8    | 9     | 10     |
|----|-------------------------------------|-----|--------|--------|------|--------|------|-------|--------|
| 1  | <b>Т II-2</b><br>Турар жой бинолари | 147 | 517,8  | 155,24 | 0,4  | 517,8  | 0,4  | 62,13 | 207,12 |
| 2  | 50 уринли болалар<br>боғчаси        | 1   | 35,6   | 21,4   | 0,85 | 14,27  | 0,85 | 36,38 | 24,25  |
| 3  | 140 уринли болалар<br>боғчаси       | 1   | 35,6   | 21,4   |      | 14,27  |      |       |        |
| 4  | Ташқарини ёритиш                    | 75  | 11,25  |        |      | 11,25  | 1    |       | 11,25  |
|    | Жами:                               |     | 600,25 | 98,14  |      | 557,79 |      | 98,51 | 242,65 |

Электр нагрукалари ҳисоби 0,4 кв.ли кичик станциялар учун ва трансформатор қувватини танлаш

| №             | Номлани<br>ши            | миқдори | Қўйилган<br>қувват<br>кВт | Эл. юқори нагрукка КВА |      |        |      | Ҳисобий кВА<br>нагрукка |            |
|---------------|--------------------------|---------|---------------------------|------------------------|------|--------|------|-------------------------|------------|
|               |                          |         |                           | Кундузг<br>и           | К-о  | кечки  | К-о  | кундуз<br>ги            | кечк<br>и  |
| 1             | 2                        | 3       | 4                         | 5                      | 6    | 7      | 8    | 9                       | 10         |
| <b>ТП – I</b> |                          |         |                           |                        |      |        |      |                         |            |
| 1             | Турар<br>жой<br>бинолари | 159     | 535,5                     | 160,65                 | 0,35 | 535,12 | 0,35 | 56,12                   | 186,7      |
| 2             | Ташқарин<br>и ёритиш     | 75      | 11,25                     | -                      |      | 11,25  | 1    |                         | 11,25      |
|               | <b>ЖАМИ:</b>             | 234     | 546,75                    | 160,65                 | 0,35 | 546,37 | 1,35 | 56,12                   | 197,9<br>5 |

Ҳисобий нагрузка 0,4 кв.ли трансформатор станциясида:

$$P_y=600,25 \text{ кВт} \quad S_{\text{мак.кун}}=62,13+24,2=86,33 \text{ кВа}$$

$$S_{\text{мак.кеч}}=207,12+15,7+11,25=234,07 \text{ кВа}$$

КТПП - В - 630-2 Трансформатор подстанциясини 250 кВа қувватга эга трансформатор билан қабул қиламиз.

*Трансформатор подстанцияларини танлаш-* Трансформаторларнинг жойлашган ўрни ва сони истеъмолчиларнинг талаб қилган электр энергиясига, уларга таркатувчи тармоқнинг қулайлигига боғлиқ. Подстанциялар алоҳида ва комплект ҳолда қабул қилинган КТПП, КТП.

*ЛЭП 10 кВ линияси учун конструктив маълумотнома-* Ҳаво орқали ўтувчи ЛЭП 10 кВ линияси таянчлари ёғочдан 3-407-49 га асосланиб қабул қилинган. ЛЭП – 10кВ линияси 3 фазали ва яланғоч ўтказгичдан иборат. Ўтказгич токни яхши ўтказишга ва кучланишни йўқотишга текширилган.

*Паст вольтли ҳаво орқали ўтувчи тармоқ-* 380\220 вольтли электр тармоқлари трансформатордан керакли бўлган истеъмолчилар ўртасидан ўтган бўлиб, талаб қилинган қувватни ҳаво орқали ўтувчи линия алюминийли ўтказгичлардан А-16÷А-50 маркада ёғоч таянчларга осилган ҳолда лойиҳаланган.

*Ташиқи ёритиш ускуналари-*Ташқарини ёритиш учун ёғоч таянчларга осилган цоколь лампаларидан фойдаланилади. Бу лампалар паст вольтли таянчларга ўрнатилади. Асосий кўчаларни ёритиш, парк, мактаб, болалар боғчаларини ва маъмурий биноларни ёритиш люминесцентли лампали ёритгичлар ёрдамида амалга оширилган.

| № | Номланиши                                                    | маркаси      | Ўлчов бирлиги | Микдори                      |                              |                       |
|---|--------------------------------------------------------------|--------------|---------------|------------------------------|------------------------------|-----------------------|
|   |                                                              |              |               | ҳаммаси                      | Биринчи навбатда             | Бош муддатда          |
|   |                                                              |              |               | Яшаш ва маданий-маиший доира | Яшаш ва маданий-маиший доира | Ишлаб чиқариш доираси |
| 1 | 2                                                            | 3            | 4             | 5                            | 6                            | 7                     |
| 1 | 10 кВ ли ҳаво линиясини тортиш                               | -            | Км            | 10,6                         | 5,0                          | 0,7                   |
| 2 | 0,4 кВ ли ҳаво линиясини тортиш                              |              | Км            | 18,0                         | 13,2                         | 2,5                   |
| 3 | 250 кВа қувватли трансформатор ва трансформатор подстанцияси | КТПП-В-630-2 | Дона          | 4                            | 3                            | 1                     |
| 4 | 160 кВа қувватли трансформатор ва трансформатор подстанцияси | КТП-160      | Дона          | 2                            | 2                            | 19                    |

### 6.3. Бибиширин маҳалласи ҳудудини ёритиш

Бибиширин маҳалласи кўчаларни ёритиш Қишлоқ ободончилиги муҳим тадбирларидан бири ҳисобланади. Равшан сунъий ёритиш, ёруғлик рекламалари, ҳар хил тоблолар, экранлар ва кўрсаткичлар, биноларни ёритиш ва фаввораларни ёритиш ҳам замонавий Қишлоқнинг тараққиёти натижасидир.

Шунга қарамай кўчалар ва майдонларни сунъий ёритишнинг муҳим вазифаси куннинг қоронғи пайтларида транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Турли хил кўрсаткичлар ва ёруғлик сигнализациялари ҳам ана шу мақсад учун хизмат қилади.



Бибиширин маҳалласи, маҳаллаларда ўтиш йўллари ва аҳоли юрадиган йўллар, кўп қаватли уйларга кириш жойлари, ҳамда болалар майдонлари, спорт майдонлари ва бошқалар ёритиб турилади.

Бундан ташқари ташқи сунъий ёритиш, биноларни, ҳайкалларни, фаввораларни ёритиш, ёруғлик рекламалари кечки Қишлоқнинг маълум бир меъморий-бадий образини ташкил қилади, Қишлоқ кўчалари ва майдонларининг шунингдек, айрим бинолар ва иншоотларнинг фазовий тузилишини очиқ беришга ёрдам қилади, бунда сунъий ёритиш хитойлик талабаларга ҳам жавоб бериш керак: кундузги бу барча қурилмаларнинг ташқи кўринишига боғлиқ бўлса, кечқурун эса ёритиш ёрдамида вужудга келтириладиган Қишлоқ манзарасига боғлиқ бўлади. Қишлоқ ҳудудлари иншоотларни қуриш ва фойдаланиш етарли даражада тежамли бўлиши керак.

Бибиширин маҳалласи ҳудуди кечқурун ва кечаси микротендаги тротуарлардан, пиёдалар ҳиёбонларидан, боғбон фойдаланувчи аҳоли учун қулай шароит яратиш мақсадида ёритилади. Шулар билан бир вақтда микрорайон ичидаги ўтиш йўллари бўйлаб автомобилларнинг ҳаракатланиш ҳавфсизлиги таъминланади. Микрорайон ичидаги ўтиш йўллари, тротуарлар, пиёдалар ҳиёбонларининг ёритилиш катта транспорт аҳамиятига эга бўлган кўчалар ва йўллар учун замонавий техник шароитлар билан қабул қилинган каби равшанлиги бўйича эмас, балки улар сиртининг горизонтал ёритилганлиги бўйича меъёрланади. Микрорайонларда уйлар гуруҳига, мактабларга, болалар боғчалари ва яслиларига, магазинларга, гаражларга олиб борадиган ўтиш йўллари, шунингдек, болалар боғчалари ва яслилар, мактаблар, магазинлар, ошхоналар ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ҳамда микрорайондан чиқиш учун олиб борадиган пиёдалар йўллари ва ҳиёбонлар ёритилади. Биноларнинг бевосита фасади бўйлаб жойлашган пиёдалар йўлаклари ва тротуарлар одатда бинога кираверишда ўрнатилган ёриткичлар билан ёритилади. Микрорайондаги боғларни тожга ўхшаш ёриткичлар билан ёритиш мақсадга мувофиқ,, бунда фонарларни шундай

жойлаштириш керакки, қоронғи тушганда ёриткичлар ёруғлиги боғча краверишда ва унинг асосий қисмларида катталар дам оладиган майдончаларда, болалар ўйнайдиган майдончаларда ва жисмоний машқлар бажариладиган майдончаларда яхши кўриниш имкониятларини яратсин. Микрорайонларда ёриткичларни жойлаштиришда шунга ҳам эътиборни қаратиш керакки, улардан тушаётган ёруғлик турар жойларнинг деразаларидан ичкарига тушиб аҳолини безовта қилмасин. Ўтиш йўллари бурилмаларида фонарлар (ёриткичлар) ўт ўчириш машиналарининг ўтиб кетишига ҳалал бермаслиги керак.

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚИСМИ

Бибиширин маҳалласида бахтсиз ҳодисанинг оғир енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора тадбирлари белгиланган:

1. Маъмурий жавобгарлик
2. Жиноий жавобгарлик
3. Моддий жавобгарлик

Ҳамма вазирликлар, бошқармалар ва саноат корхоналарида меҳнат қонуниятларининг аниқ бажарилишини олий ташкилот Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кузатиб боради. Прокуратура ташкилотлари қонунларнинг бузилмаслигини режа асосида меҳнаткашларнинг арзи ёки корхона ва айрим шахсларнинг маълумотлари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг қандай бажарилаётганлигини текшириш йўли билан амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг махсус давлат назорат органларига қуйидагилар киради:

1. Саноатда хавфсиз иш олиб бориш ва тоғ ишлари хавфсизлиги техник давлат назорати
2. Давлат санитар назорати
3. Давлат энергетика назорати
4. Давлат ёнғин хавфсизлиги назорати
5. Табиатни муҳофаза қилиш давлат назорати
6. Сув ва сув манбаларининг тозаллигини ҳимоялаш давлат назорати
7. Жамоат назорати

Урилиш натижасида лат ейиш терининг кесилиши, суяк синиши ва чиқиши, инсон ҳаёти фаолияти бузилишига олиб келадиган бошқа чекланишлар жароҳатланишига мисол бўлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши шароитида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, замонавий долзарб муаммолардан бирига айланади. Бунинг учун давлатимиз миллий хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан

бевосита боғлиқ бўлишини И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид” асарида чуқур таҳлил қилган.

### ***7.1.Қурилишда меҳнат шароити муаммолари***

Хавфсизлик талаб ва қоидаларига риоя қилмасликка, санитария ва гигиена меъёрларининг, ҳамда меҳнат интизомининг бузилиши, иш жойлари, жароҳатланиши, заҳарланиш ва касб касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шикастланишга бахтсиз ҳолат дейилади. Бахтсиз ҳодисалар ишлаб чиқариш билан боғланган ва боғланмаган бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш билан боғланган ҳодисаларга қурувчининг иш жойида ёки шу корхона билан боғлиқ ишлар бажараётганда олган шикастланишлари киради.

Шикастланганлиги учун иш ҳақи фақат ишлаб чиқариш билан боғланган бахтсиз ҳодисаларгагина корхона ҳисобидан тўланади. Касб касалликлари деб, қурувчининг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган хасталиклар ва заҳарланишларга айтилади ва улар қониқарсиз иш шароитида вужудга келади.

Касб касалликлари, шамоллаш, жисмоний зўриқиш ва санитария талабларига зид шароитларда узоқ меҳнат қилиниши натижасида содир бўлса заҳарланиш қисқа вақт ичида тери, нафас олиш йўллари ва баъзан овқат ҳазм қилиш органлари орқали кириб қолган заҳарли моддалар таъсиридан вужудга келади.

### ***7.2.Бахтсиз ҳодисаларни расмийлаштириш ва уларнинг сабабларини ўрганиш***

Бибиширин маҳалласи одатда, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳамма бахтсиз ҳодисалар касаба уюшмаси томонидан текширилиб тасдиқлангандан сўнг расмийлаштирилади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар корхона ҳудудида, ундан ташқарида, иш вақтида ишлаш олдидан ёки ишдан кейин бўлишидан қатъий назар текширилиши зарур.

Бахтсиз ҳодиса натижасида агар ишчи бир ёки икки кун меҳнат қобилятини йўқотган бўлса, воқеани аниқлаш лозим, лекин акт ёзиб

расмийлаштириш шарт эмас. Қурилиш бошлиғи, хавфсизлик техникаси инженери ва жамоа инспектори қўл қўйган қайдномани тасдиқлаш учун бош муҳандисга тақдим қилади.

Расмийлаштирилган қайдноманинг бир нусхаси қурилишда қолади, иккинчи нусхаси касаба ташкилотига ва учинчи нусхаси соҳа Марказий касаба уюшмаси техник инспекторига берилади. Асосий нусхаси эса юқори қурилиш бошқармасига юборилади.


Бахтсиз ҳодисаларнинг текшириш материаллари юқори ташкилотларда ва касаба уюшмасининг ташкилотларида кўриб чиқилади. Бахтсиз ҳодисалар тўғрисида корхона бош муҳандиси юқори ташкилотга ёзма ҳисобот беради. Марказий касаба қўмитаси инспектори раислигида, қурилиш ташкилотлари мутасадди муҳандислари, туман ички ишлар органидан вакил қуйи ва юқори қурилиш ташкилотлари хавфсизлик бўлимларидан вакиллар тиббиёт вакиллари ҳамда бошқарма бош муҳандиси ва қурилишда моддий жавобган муҳандислар иштирокида тафтиш комиссияси ўтказилади.

Бу қайдномада жабрланган ишчи ҳақида батафсил маълумот бериш билан бирга, иш шароити, фожеа сабаблари, бахтсизлик оқибати муфассал баён этилади. Бу текширув натижасига асосланиб корхона раҳбари бахтсизлик сабабларини бартараф этиш мақсадида буйруқ чиқаради ва жавобгар шахсларни тайинлайди.

### ***7.3. Қурилишда меҳнат шароити ва бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш усуллари***

Бибиширин маҳалласида жисмоний меҳнат жараёнида инсон меҳнат қуроли ёрдамида бирор-бир жисмга таъсир этиш йўли билан унинг шаклини ва моҳиятини ўзгартиришга эришади. Шу меҳнатнинг самараси меҳнат қуроли ва ишчининг моҳирлигидан ташқари яна иш жойининг ҳарорати ва ёритилганлиги, озода ва саранжомлиги, ҳавонинг мусаффолиги ва шовқин-суроннинг йўқлиги ва шунга ўхшаш бир қатор омилларга боғлиқки, буларнинг ҳаммаси биргаликда меҳнат шароитини ифодалайди.

Меҳнат шароити деб, инсоннинг меҳнат давомида соғлигига ва иш фаолиятига таъсир қила оладиган ишлаб чиқариш омиллари йиғиндисига айтилади.



Бибиширин маҳалласида шу меҳнат шароити омилларида келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришда содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини шартли равишда олтига гуруҳга бўлиш тавсия қилинади.

1.Ташкилий сабабларга хавфсизлик қоидаларини ўргатиш ва тушунтиришларни ўз вақтида ўтказилмаганлиги қурилишда ишни ташкил қилиш лойиҳаларининг ва техник назоратининг йўқлиги, иш жойининг қониқарсизлиги, жомакорларнинг ҳамда ҳимоя воситаларининг меҳнат талабига жавоб бера олмаслиги ва ҳоказолар киради.

2.Техникавий сабаблар талайгина сабаблар туркумига киради, яъни лойиҳада йўл қўйилган хатоликлар, иш тартибининг бузилиши ёки номукамаллиги, лойиҳадан четга чиқиши, асбоб ва ускуналарнинг ҳамда ёрдамчи мослама ва тўсиқларнинг йўқлиги ёки нобоплиги, уларнинг ўз вақтида таъмирланмаганлиги, тадбирий назоратнинг йўқлиги ва бошқалар мисол бўла олади.

3 ва 4 Саломатлик ва озодалик сабабларига, меҳнат шароитининг санитария ва эстетик талабларга жавоб бермаслиги, шовқин-суроннинг меъёрдан баландлиги, зарарли нурланиш хавфининг борлиги, иш жойини саранжом-саришта эмаслиги ва хавфсизлик талабларига риоя қилинган ҳолда жиҳозланганлиги кабилар тааллуқли.

5.Ижтимоий сабабларга меҳнат интизомини ва ўзгалар руҳий мувозанатини бузганлик, мағрурлик ва манманлик туфайли жамоат ўртасида ўзаро оқибатнинг йўқолиши ва шунга ўхшашлар.

6.Руҳий-физиологик сабабларга эса, ишчи иродасининг кучсизлиги, жисмоний заифлиги, меҳнатнинг оғирлиги ва узлуксизлиги, ишчининг меҳнат жараёнидаги ҳолати ва ҳаракатининг ноқулайлиги ва бошқалар мисол бўла олади.

Қурилишда меҳнат муҳофазасини таҳлил қилиш мақсадида тўғри ташкил қилиш ва содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни таҳлил қилиш мақсадида аналитик усул бахтсизликлар тўғрисидаги статистик маълумотларни математик ҳисоб йўли билан таҳлил қилишга асосланган бўлиб, 4 та коэффициентни аниқлашдан иборат. Булардан биринчиси такрорланиш коэффициенти бўлиб, жами бахтсизликлар сони “Б”ни шу давр ичида ишлаб турган ишчиларнинг умумий сони “И”га бўлиб, 1000 га кўпайтириш йўли билан аниқланади, яъни:

$$K_d = B/I \times 1000$$

Иккинчи бахтсиз ҳодисаларнинг мураккаблик коэффициенти деб юритилади ва қуйидаги нисбат билан аниқланади:

$$K_m = Y/B$$

Учинчи коэффициент бахтсизликларнинг умумий кўрсаткичлари дейилади ва олдинги икки коэффициентнинг кўпайтма-сидан иборат, яъни:

$$K_y = K_d \times K_m = Y/I \times 1000$$

Замонавий қурилиш саноати меҳнат хавфсизлиги хизмати олдига юксак масъулият юклайди. Қурилиш жараёнида содир бўлган номақбул, хавфли меҳнат шароитини бартараф қилиш учун албатта зукко раҳбарнинг ишбилармонлигидан ташқари, марказий бошқарув маъмурияти билан тезда алоқа боғлаш ва қисқа муддат ичида тадбирий чораларни кўриш имконияти мавжуд бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш корхоналарида шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш мақсадида статистик ва топографик усуллар қўлланилади.

Монографик усул ишлаб чиқариш корхоналарида бахтсиз ҳодиса юз берган жойларни ҳар томонлама чуқур ўрганишдан иборат бўлиб, унда ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат услуби ва шароити ўрганилиб, ишлаб чиқаришнинг хавфли ҳолатларига ва иш жойларида саломатлик шароитларига эътибор бериледи.

Бу натижаларни тартибот жараёнини такомиллаштириш, хавфли омилларни йўқотиш, иш жойларида меҳнат шароити масалаларини ҳал қилганда фойдаланилади.

Бу эса қурилиш майдонларида иш бошланганда хавфсизлик чораларини амалга ошириш имкониятини беради.

Статистик усулишлаб чиқаришда бўлган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари бўйича тузилган актлар асосида ўрганилиб, бошқа ўхшаш объектларда шундай бахтсиз ҳодисаларнинг такрорланмаслигини таъминлашга қаратилган усулдир.

Бу ёрдамчи усул бўлиб, қурилиш майдонида ёки саноат корхоналарида содир бўладиган бахтсизликларнинг жойларини, сабабларини ва такрорланишини картага қараб тезда аниқлаб олишга ва қаерга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини билиб олиш имкониятини беради.

$$K_{Д(2008)}=Б/Н \times 1000=9/700 \times 1000=12, K_{Д(2009)}=Б/Н \times 1000=7/440 \times 1000=16$$

$$K_{Д(2010)}=Б/Н \times 1000=10/680 \times 1000=15, K_{Д(2011)}=Б/Н \times 1000=11/840 \times 1000=13$$

$$K_{Д(2012)}=Б/Н \times 1000=5/300 \times 1000=17, K_{М(2008)}=Я/И=110/9=12$$

$$K_{М(2009)}=Я/И=160/7=23, K_{М(2010)}=Я/И=80/10=8, K_{М(2011)}=Я/И=120/11=11,$$

$$K_{М(2012)}=Я/И=70/5=14, K_{И(2008)}=12 \times 12=144, K_{И(2009)}=16 \times 23=368$$

$$K_{И(2010)}=15 \times 8=120, K_{И(2011)}=13 \times 11=143, K_{И(2012)}=17 \times 14=238$$



## **Интернет маълумотлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

---

### **Ҳурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!**

Сиз, азиз меҳмонларимиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассисларни – бугунги конференциянинг барча қатнашчиларини қутлаш, ушбу форумда иштирок этаётганингиз учун ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга экани, қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлайдиган энг муҳим омили эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги конференция учун танланган қишлоқда уй-жой қурилишининг роли ҳақидаги мавзунинг долзарблиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Эксперт марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келаётгани албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши ва иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш молия тизимини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳамда банклар активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбаи бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кредит маблағлари билан етарлича таъминланаётганига қарамасдан, бу маблағлар якуний истеъмолчи, яъни иқтисодиётнинг реал секторига етиб бормаётгани глобал молиявий-иқтисодий инқироздан чиқишда жиддий тўсиқлардан бири экани сир эмас. Ҳолбуки, асосий захира валюталарини чиқарадиган эмитент мамлакатларда фоиз ставкалари даражаси ниҳоятда паст. Айрим ҳолларда бу ставкалар ноль қийматигача тушиб кетаётганига эса ишониш қийин.

Мухтасар айтганда, кредит ресурслари ҳажмининг етарлилиги кўплаб ҳолатлар, биринчи навбатда, 2008 йилда глобал молиявий-иқтисодий инқирозни юзага келтирган жиддий сабабларнинг бартараф этилмагани туфайли, афсуски, иқтисодиётни жонлантирадиган туртки ва омилга айлана олмаяпти.

Бундай шароитда уй-жой қурилиши ва у билан биргаликда ривожланадиган инфратузилма – коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири – аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат қилиши лозим бўлган йўналишга айланмоқда.

Аксарият давлатларнинг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Буюк депрессия деб аталган 1930- йиллардаги инқироз даврида АҚШда Президент Рузвельт яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кредит билан таъминлаш тизимини жорий қилди ва бу ислохот иқтисодий ўсишни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ўз вақтида Германия, Буюк Британия, Скандинавия давлатлари ва бошқа мамлакатларда иқтисодийни рағбатлантириш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ана шундай дастурлар қабул қилинган.

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модель – қишлоқда уй-жой қуришни комплекс амалга ошириш дастурининг мазмун-моҳиятини баён этишдан олдин мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш ва модернизация қилишнинг ана шу энг муҳим соҳасида яқин-яқингача қандай муаммолар тўпланиб қолгани, ҳақиқий аҳвол қандай бўлгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу соҳанинг бош хусусияти шунда эдики, у деярли бошқарилмас, бошқача айтганда, ўзбошимчалик авж олган эди.

Бу аслида нимани англатар эди?

Қишлоқда уй-жойлар аҳоли пунктларини барпо этишда қўлланиши зарур бўлган бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди.

Ўзи ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, қурилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожланган қурилиш саноати бўлмагани учун бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бошқача айтганда, уй-жойлар қўлбола қурилиш материаллари – хом ғиштдан қурилар, хоналарига ёғочдан пол қилинмас, том ёпиш материали сифатида асосан асбест шиферлардан фойдаланилар эди.

Бош режасиз қурилган уй-жойларни коммунал қулайликлар билан таъминлаш, ичимлик суви тармоғига, электр энергияси ва газ тармоғига улаш борасида жиддий муаммолар пайдо бўлар эди.

Янги қурилган уй эгаларининг тиббиёт муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, савдо шохобчалари, бозорлар, ҳовлисига олиб борадиган йўл, яъни оиланинг қулай шароитда яшаши учун зарур бўлган инфратузилма

билан таъминланишда қандай муаммоларга дуч келгани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу борада шуни инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларида ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келмоқда, мустақил тараққиётимиз йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги кунда қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш бўйича узоқ йиллар мобайнида шаклланган ёндашувлар, усул ва амалиётни қайта кўриб чиқиш вақти келгани, буни ҳаётнинг ўзи илгари сураётгани янада яққол аён бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг муҳим хусусиятлари, долзарблиги, унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг принципиал хусусиятлари нималардан иборат?

Бу борада биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган принципиал масалалардан бири – уй-жой қурилишининг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда ислоҳ этишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги принципга асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой ва Шаҳарсозлик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги қонуни, бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларда мулкдорнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Қишлоқ аҳолисига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оилага 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан бепул

ажратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса бизнинг ер ресурсларимиз чекланган шароитда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларида уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш албатта амалга оширилиши лозим бўлган муҳим шартлардандир.

Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Қишлоқларда уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга тушириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалалардандир.

Бу билан мен нима демоқчиман?

Бу ўринда янги, замонавий уй-жойлар барпо этиш билан бирга қишлоқдаги уйлар, қишлоқдаги оилаларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб бораётгани ҳақида сўз бормоқда.

Энг асосийси, қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-ҳунар коллежларида таълим олган ва касб эгаллаган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда.

Фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун бу қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ўзингизга бир тасаввур қилинг. Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Шу ўринда якка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизмига эътибор қаратишни истардим. Қишлоқда яшайдиган одам уйнинг намунавий лойиҳасини танлаганидан сўнг дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдоридаги ўз маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узок муддатга – 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича – биринчи йил белгиланган фоизни тўламаслик шарти билан – 7 фоиз миқдоридаги ипотека кредити берилади. Бу Марказий банкнинг йиллик 12 фоиз миқдорида белгиланган қайта молиялаш ставкасидан анча пастдир.

Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш учун яхлит институционал тузилма ташкил этилди. Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланган. Шу билан бирга, мазкур институт қурилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялашни шу мақсадда ташкил этилган “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банки амалга оширмоқда. Унинг низом жамғармаси бугунги кунда қарийб 130 миллион доллар миқдоридаги маблаққа тенгдир.

Мазкур банк ташкил этилганидан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди.

Банк нафақат аҳоли, балки қишлоқда уй-жой ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам кредит билан таъминламоқда.

Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда мамлакатимизнинг бошқа банклари – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва “Ипотека банк” акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги ҳамма ишлар “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкланган. Ягона буюртмачи бўлган ушбу компания мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлиб, у қишлоқ жойларида уй-жой массивларини сифатли қуриш бўйича ягона сиёсатни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотларида бугунги кунда 20 минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда, замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил қилинди. Кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди.

“Қишлоқ қурилиш банк” кредитлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг устама фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солиқ тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларида уй-жой қуришда иштирок этаётган “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барча турдаги солиқлар ҳамда мақсадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинаётган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун қурилаётган уй-жойлар қийматини сезиларли равишда камайтириш имконини бермоқда. Бундай уй-жойларнинг бир

квадрат метри шаҳардаги уй-жой қийматидан бугунги кунда ўртача 2 баробар пастдир.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732 километр асфальтланган автомобиль йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларида уй-жойларни кенг қўламда қуриш ишлари кўзда тутилган. 353 та қишлоқ массиви ҳудудида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта барча қулай шарт-шароитларга эга уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпдир. Айни пайтда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қарийб 240 километрлик автомобиль йўллари қурилади, кенг қўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилади. Бу мақсадлар учун 2013 йилда салкам бир миллиард доллар миқдоридаги инвестиция йўналтирилади.

Қишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш саноати ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда.



Биз учун айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани беқиёс аҳамиятга эгадир.

Янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг ғуруримиздир.

Бундай авлод билан ҳақиқатан ҳам фахрланиш ва энг дадил истиқбол режаларини тузиш мумкин.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон банки каби кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим. 2011 йилда Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан жами 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги “Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар қуришни ривожлантириш” лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди. 2012 йилда дастлабки транш доирасида 160 миллион доллар ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу маблағнинг 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбариятига бизга мазкур стратегик муҳим вазифани амалга оширишда кўрсатаётган қимматли ёрдами учун чуқур миннатдорлигимизни изҳор этмоқчиман.

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган қишлоқ жойларида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурини мамлакатимизда

амалга оширилаётган улкан демократик ўзгариш ва янгиланишлар жараёнларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг биз танлаб олган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилаб бораётгани, пухта ўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор йўналишлари, туб ўзгаришларни тадрижий, босқичма-босқич жорий этиш стратегияси танлангани ва изчил амалга оширилаётгани шундай мустаҳкам ва ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқдаки, унинг негизида миллий иқтисодиётимиз барқарор ҳамда жадал ривожланмоқда, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси муттасил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори юксалмоқда, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Бу борада аниқ рақамларни келтирмоқчиман.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти дунёдаги санокли давлатлар қатори юксак барқарор ўсиш суръатларига эришмоқда. Сўнгги 6 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Давлат бюджетининг барқарор профицит билан бажарилиши, олтин-валюта захирасининг етарлилиги таъминланмоқда. Ташқи қарз ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоиздан ошмасдан, пастлигича қолмоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани унинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоқда. Давлат сарф-харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялашга, жумладан, 34 фоизи таълим, 15 фоиздан ортиғи соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилмоқда.

Банк тизими ҳам ишончли ва барқарор фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда банк капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил қилмоқда ва бу кўрсаткич дунёда умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. 2012 йил якуни бўйича банк тизимининг ликвидлиги талаб этилган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлди.

Ҳар йили янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича юзлаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан инвестицияларнинг йиллик ўсиши 4 баробар ошди ва сўнгги йилларда ўртача камида 12 миллиард долларни ташкил этмоқда. Инвестиция маблағларининг қарийб 78 фоизи – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрардим – ички манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда, жумладан, инвестициялар умумий ҳажмининг 21 фоизини аҳоли омонатлари ташкил этмоқда.

2012 йилда жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғи ёки 2,5 миллиард доллардан кўпроғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 80 фоизга яқини тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Бу, ўз навбатида, хорижлик инвесторларнинг Ўзбекистонга, мамлакатимизда бизнес учун яратилган шарт-шароитларга ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми ўтган 2012 йилда 35 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 60 баробар ошди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди ва айни пайтда унинг капитали 15 миллиард долларга етди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўзи танлаган замонавий демократик ва иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига кириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан қатъий ишонч билан бораётганининг яна бир тасдиғидир.

**Қадрли дўстлар!**

Мазкур анжуман кун тартибига киритилган масалаларни тўлиқ муҳокама этиш, ушбу серқирра муаммонинг барча жиҳатини қамраб олиш имкони йўқлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Қишлоқда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш бўйича ўз стратегиямизни шакллантиришда конференция қатнашчилари томонидан бошқа мамлакатларда бу борада тўпланган қимматли тажрибани эътиборга

олган ҳолда билдириладиган тилак ва таклифларни эшитиш биз учун жуда фойдали ва муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон барча халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, чет эл банклари ва компаниялари, олимлар ҳамда экспертлар билан ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш – қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириш, уларни ривожланган давлатлардаги стандартларга яқинлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир.

## Хулоса

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида кўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси юрагимизнинг туб-тубидан ўрин олди.

Бибиширин маҳалласи учун танланган ҳудуд рельефи тинч, шимолдан жанубга томон катта бўлмаган нишабликда ётади. Қурилишга ажратилган жой замини яроқли. Ер ости суви чуқурликда жойлашган, тупроғи шўрхок эмас.

Бибиширин маҳалласи аҳоли турар жой лойиҳасини ишлашдан олдин келажақдаги қишлоқ аҳоли сони, демографик таркиби, сони, яшаш хоналар ҳажми, саноат корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳисоб қилинган.

Бибиширин маҳалласидаги кўчалар транспорт ва пиёдаларнинг қатновини таъминлаш, муҳандислик иншоотлари (тармоқлари) ва яшил дарахтлар жойлаштирилган. Аҳоли яшайдиган жойлардаги кўчалар ва йўллар, ташқи майдонлар, автомобил йўллари билан қулай алоқани таъминланган.

Бибиширин маҳалласини тикка режалаштиришда ҳудудни қурилиш, режалаш, қуриш ва ободонлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда табиий рельефни қайта шакллантириш, ўзгартириш ва мослаштириш ишларини ўзида мужассамлаштирилган. Тикка режалаштириш махсус тузиладиган лойиҳалар асосида тупроқни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш билан амалга оширилди.

Бибиширин маҳалласининг дарахтларининг яна бир узига хос хусусияти, улар шамолга қарши энг ишончли химоя воситасидир. Қишлоқда доимо шамол эсиб туради. Шамолнинг йуналиши жанубий гарбдан, шимолий шаркка томон йуналган. Шамол йўлини тузиш мақсадида қишлоқ

худудининг атрофига катор-катор килиб чинор, кайрогоч дарахтлари утказилган.

Бибиширин маҳалласида барча турдаги қишлоқ транспортининг жадаллиги ва тезлигининг ортиши билан қишлоқларда транспорт тармоғи учун янгича қўйилган талаблар бажарилган.

Бибиширин маҳалласининг бош режасини қуришда, турли тоифадаги кўча ва йўллар ўзаро битта поғона кетма-кетликда боғланиш таъмоилига амал қилинади, яъни ички йўлаклар тураржой ёки туман аҳамиятидаги магистрал кўчаларга, улар ўз навбатида маҳаллий аҳамиятидаги магистрал кўчаларга, улар эса тезкор ёки ташқи йўлларга уланиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқсозлик Кодекси. - Т.: 2006 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Тошкентдаги симпозиумлар саройида 17 апрель куни ташкил этилган “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” номли халқаро конференция. Т.: 2013 йил 16-17 апрель
4. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил
5. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил
6. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил
7. Х.А.Азимов. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги. – Т.: “Фан”, 1997 йил
8. С.К.Абралов. Подземные дренажи в промышленном и городском строительстве. - М.: 1973 год
9. Ш.Гольдварт, Х.Х.Шомирзаев. Меҳнат муҳофазаси ва ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1984 йил
10. В.Л.Карагодин, М.В.Молоков. Отвод поверхностных вод с городских территорий. - М.: 1974 год
11. Г.И.Клиорина, В.А.Осин, М.С.Шумилов. Инженерная подготовка городских территорий. Учебник. “Высшая школа”. - М.: 1984 год, 270 с.
12. З.Ф.Илёсова. “Ҳаёт хавфсизлиги асослари”. - Т.: 2001 йил
13. О.Ю.Искандаров. “Хавфсизлик техникаси”. ТДПУ, 2002 йил
14. Л.В.Гуревия, В.Л.Шифрин. Инженерная подготовка территорий населенных мест. – М.: 1982 год
15. В.А.Черепанов, Л.В.Гуревия. Инженерное проектирование планировки городов. – М.: Стройиздат, 1971